

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**5440500 - «География» таълим йўналиши
08.432-гуруҳ битирувчиси**

Икромова Махфузанинг

**“Поп тумани аҳолиси ва меҳнат ресурсларидан
фойдаланиш” мавзусидаги**

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**Илмий раҳбар:
Г.ф.н., доцент У.Обидов**

Фарғона - 2012

МУНДАРИЖА

	<i>бет</i>
Кириш	3
1-боб. Аҳоли бандлиги муаммоларини ўрганишнинг илмий-назарий асослари.	5
1.1. Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.	10
1.2. Иш билан бандлик шакллари ва таснифланиши	10
1.3. Аҳолининг иш билан бандлиги, унинг асосий турлари ва шакллари	18
2-боб. Аҳолининг иш билан таъминланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва аҳоли бандлигининг истиқболлари.	28
2.1. Аҳолининг иш билан таъминланишида демографик омиллар. ...	28
2.2. Аҳоли бандлигининг тармоқлараро ва ҳудудий таркиби.	32
2.3. Поп туман аҳолисининг ҳудудий жойлашишини такомиллаштириш.	45
2.4. Поп туманида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатлари.	57
Хулоса.	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	65

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш ҳар қандай жамиятнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бироқ, ижтимоий тизимнинг ўзгариши бошқа соҳаларга ўз таъсирини кўрсатгани каби аҳолининг бандлик таркибига, мулк муносабатларига, кишилар шуғулланадиган машғулоти турларига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритади. Кейинги йилларда мамлакатимизда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар янги касб турларининг пайдо бўлишига, мулкка эгалик шакллариининг ўзгаришига олиб келди. Аҳолининг бир қисми (асосан қишлоқликлар) даромад манбаини йирик шаҳарлардан, бошқалари эса хорижий мамлакатлардан топишга интиломоқдалар. Бошқача айтганда, кишиларнинг миграцион фаоллиги кучайиб бормоқда. Бу эса жамият аъзоларининг, айниқса ёшларнинг бундан кейин ўз ҳаёт йўлларини белгилаб олишларига бўлган муносабатларини ўрганишни, бу соҳада жиддий илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо қилади. Мазкур малакавий битирув ишининг долзарблиги юқорида баён қилинган фикрлар билан изоҳланади.

МБИнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур малакавий битирув ишининг асосий мақсади мамлакатимиз аҳолиси орасида анъанавий ва ноанъанавий меҳнат турлари билан шуғулланаётган кишилар салмоғини аниқлаш, умуман меҳнат муаммоларини ўрганиш орқали уларнинг ечими бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадни амалга ошириш чоғида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- аҳолининг иш билан таъминланишида демографик омиллар таъсирини ўрганиш;
- Ўзбекистонда аҳоли бандлигининг тармоқлараро ва ҳудудий таркибини таҳлил қилиш;
- аҳоли бандлигининг янги турларини аниқлаш мақсадида ёшлар орасида социологик сўровлар ўтказиш;

- демографик башорат ҳисоб-китобларини бажариш ва аҳоли бандлиги бўйича миллий сиёсатимизга таъриф бериш;
- қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашни ошириш юзасида тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тўб аҳолининг чет элдаги меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш истиқболларини белгилаш.

МБИнини ёзиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузаларидан, “Меҳнат иқтисодиёти” фани бўйича ёзилган дарсликлардан, аҳоли бандлиги муаммоларига бағишланган монографиялар ва журнал мақолаларидан ҳамда Республика «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ёшлар орасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларидан унумли фойдаланилди.

Малакавий битирув ишининг таркиби кириш, 2 боб, 5 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг матн қисмида 2 та диаграмма ва 10 та жадваллар билан берилган.

1-БОБ. АҲОЛИ БАНДЛИГИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири – унинг меҳнат соҳаси ва у билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қондириш йўллари очиқ беради. Иш билан бандлик одамлар иш жойлари қаердалигидан қатъий назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

Бироқ иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонент билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик - фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели (концепцияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиқ беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсини, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан

бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ гапирилаётганлиги бежиз эмас.

Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси — жамият ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир. Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Иш билан бандлик ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичига хос бўлган турли кўринишлар ва шаклларда намоён бўладиган ўзига хос ҳодисадир. Ибтидоий жамоа тузуми жамият аъзоларининг тўлиқ иш билан бандлигига асосланган эди, унинг боиси ишлаб чиқарувчи кучларнинг паст даражада ривожланганлигида эди. Қулдорлик ва феодал формациялар асосан куллар ва крепостнойларнинг мажбурий иш билан бандлигига асосланган бўлиб, кулдорлар ва крепостнойлар ишламасдан ҳаёт кечирар эдилар. Доирасида инсон ҳуқуқий жиҳатдан эркин бўлган ва ёлланма ходим сифатида намоён бўладиган бозор иқтисодиётига эга бўлган капиталистик формацияда иш билан банд бўлмаган аҳоли мавжуд бўлади. Бундай иш билан банд бўлмаслик табиий ва ноилож ишсизлик шаклида бўлади. Социализм шароитида тўлиқ («ялписига») иш билан бандлик эълон қилинган бўлиб, бу эса одамнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишга мажбурлиги билан мустаҳкамланган эди.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъи назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат иш бажарганлар; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлар; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслардан ташкил топади. Иш билан банд бўлган аҳолига икки гуруҳ фуқаролар киради:

1. Кўнгилли равишда иш билан банд бўлмаган, эр-хотиндан бирининг, ота-онаси ва бошқаларнинг маблағлари ҳисобига яшайдиган фуқаролар;

2. Ноилождан иш билан банд бўлмаган ходимлар киради, улар, ўз навбатида, қуйидагиларга: а) мустақил равишда иш қидираётганлар; б) иш билан банд этиш хизмати ёрдамида иш қидираётган; расмий мақомга эга бўлган ишсизлик юзасидан нафақа оладиган ишсиз фуқароларни ўз ичига олади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, унга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган, бу тамойиллар иш билан бандлик муносабатларига бозор хусусиятидан келиб чиқади ва у бир неча тамойиллар билан ифодаланади. Биринчи тамойил фуқароларнинг унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқидир. Меҳнат қилишга мажбур этишга (қандай шаклда бўлмасин) йўл қўйилмайди. Фақат қонунда алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шундай қилиб, республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян қадам қўйилган

бўлиб, бу қадриятлар орасида энг муҳими меҳнатнинг ихтиёрийлигидир. Эндиликда ижтимоий меҳнатда иштирок этиш керак ёки керак эмаслигини танлашдан иборат устувор ҳуқуқ инсоннинг ўзига тегишлидир.

Миллий иқтисодиётда аҳолини меҳнат билан таъминлаш эндиликда амалда ижтимоий фойдали фаолиятнинг бирдан-бир соҳаси ҳисобланмайди. Меҳнатнинг умумийлиги ҳуқуқий бурч сифатида мустаҳкамланган вақтда у ана шундай эди. Меҳнат соҳаси ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби тенг ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда. Ихтиёрий иш билан бандликка барҳам бериш сабаби битта — у ҳам бўлса, тирикчилик воситаларининг ғайриқонуний манбаидир.

Ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқ тамойили инсоннинг ўзига маъқул бўлган жойда ўзи хоҳлаган вақт мобайнида ишлаш ҳуқуқини назарда тутди. Ҳар ким ўзи учун қулай вақт ва иш билан бандлик усулини мустақил танлаши мумкин. Жинси, ёши, миллати ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ҳаммага доимий, қисман, вақтинча, аҳён-аҳёнда бўладиган иш билан бандлик, ўриндошлик билан ишлаш иш вақтини ташкил этишнинг мослашувчан графикларига хосдир. Касб танлашдаги ҳуқуқнинг чекланмаганлиги ва иқтисодиёт соҳаларидан бирида меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам муҳим ҳисобланади (бунга яқка тартибда меҳнат қилиш ҳам кириши мумкин).

Фавқулодда танлаш ҳуқуқи ҳақида гапирилганда бу ҳуқуқни жамиятда ҳар кимнинг у ёки бу иш билан бандлик тури ёки касбга бўлган эҳтиёжини қондириш мажбурияти билан тенглаштириш тўғри бўлмайди. Жамият барчага ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Масалан, агар бирор киши тадбиркор бўлмоқчи экан, жамият унинг учун ҳуқуқий шарт-шароитлар бериши лозим, лекин бу киши тадбиркор бўлиш-бўлмаслиги унинг шахсий фазилатларига боғлиқдир.

Бундай иш билан бандликнинг иккинчи тамойили — фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун давлатнинг шарт-шароитлар яратиб бериши кераклиги ойдин бўлади. Иш билан бандлик сиёсатига уни қаттиқ тартибга солишдан воз кечиш, ижтимоий соҳада меҳнат қилишнинг мажбурий эмаслиги, ижтимоий фойдали меҳнат қилишнинг ҳар қандай соҳасини танлаш эркинлиги ва ихтиёрийлиги орқали инсон манфаатлари ва эҳтиёжларининг намоён бўлишига ёрдам бериш асос қилиб олинган.

Давлатнинг иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили асосида меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан эркин иштирокчилари иқтисодий хулқ-атвориға бевосита усуллар билан тузатиш киритишдан иборатдир. Бунда давлатнинг иш билан бандликка бевосита таъсир кўрсатиш чоралари рағбатлантирувчи тадбирларининг устуворлигига асосланади. Бу ўринда меҳнаткашларнинг тадбиркорлар ва ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини бузадиган воситалар бўлмаслиги керак. Иш билан бандликда кўмаклашиш тамойили бир қанча жиҳатларга эгадир. Иш билан бандликка таъсир кўрсатишнинг ўзини очиб бериш асосида уни (бандликни) исталган йўналишда шакллантириш жараёнини бевосита тўғри йўлга солиш ётади. Иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили ижтимоий меҳнат муносабатлари субъектларининг тараққиёт йўналишларини ишлаб чиқишда ва уни тартибга солишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этишларидан ҳам иборатдир. Бу субъектлар ёлланма ходимлар, иш берувчилар бўлиб улар касаба уюшмаларига, ассоциациялар ва иттифоқларга бирлашганлар.

Бу кучларнинг иш билан бандликни ривожлантиришда яқиндан ўзаро ёрдам беришлари иш билан бандликнинг ҳолатига фаол таъсир кўрсатиб, унинг сифат жиҳатларининг ҳар томонлама яхшиланишига ёрдам беради. Бундай жиҳатларга иш билан банд аҳолининг маълумот ва касб-малака таркиби, унинг тармоқ ва демографик тузилиши, юқори ижтимоий иқтисодий ҳаракатчанлик, рақобатдошлик ва шу кабилар киради.

Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат — инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англаганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради. Меҳнат — ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жараёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли ўлароқ, иш билан бандликни одамларнинг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

1.2. Иш билан бандлик шакллариининг таснифланиши

Иқтисодчилар иш билан бандликнинг турли шакллариини уларнинг айрим белгиларига қараб гуруҳларга ажратадилар. Иш билан бандлик шакллари бизда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган иш билан бандлик муносабатлари моделини ташкил этади. Бу моделда иш билан бандликнинг янги шакллари, иш билан бандлик чегараларининг кенгайиши ҳам, иш билан бандлик у ёки бу шакллариининг ҳозирги реалликларга тўғри келадиган мазмун билан тўлдирилиши ҳам акс эттирилган.

Ижтимоий меҳнатда қатнашиш усули бўйича аҳолининг иш билан бандлигини ёлланиш бўйича иш билан бандлик ва ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил равишда иш билан бандликка ажратиш мумкин. Ёлланиш бўйича иш билан бандлик ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва ўзининг бўлғуси меҳнатини (ўз ишчи кучини)

иш ҳақи шаклидаги муайян қийматга алмашилиш тарзида сотадиган ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Ёлланиб ишлайдиганлар — иш билан бандларнинг энг кўп сонли гуруҳи бўлиб, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона (ташкilot, муассаса) раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ёки натура ҳолида ҳақ оладиган меҳнат фаолияти шартлари ҳақида ёзма меҳнат шартномаси, контракт ёки оғзаки битим тузган шахсларни ўз ичига олади.

Ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил иш билан бандлик (*selfemployment*) биз учун аҳоли иш билан бандлигининг нисбатан янги шаклидир. Бу шундай (иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳоказо) муносабатларки, уларга одамлар ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш туфайли киришадилар ва улар шахсий ташаббус, мустақиллик ва масъулиятга асосланади ҳамда, одатда, меҳнат даромади олишга йўналтирилган бўлади ва инсоннинг ўзини намоён этиши ва ўз шахсини қарор топтиришини келтириб чиқаради. Бунда миқдорий эмас, балки сифат жиҳати муҳимроқдир.

Бизнингча, инсонни мустақил иш билан банд бўлганлар сирасига киритиш учун олинган даромад миқдори ёки меҳнатда қатнашган вақти тарзидаги миқдорий мезондан фойдаланиб бўлмайди, чунки одамларнинг манфаат, эҳтиёж ва имкониятлари турлича ва уларни ҳамиша ҳам таққослашнинг иложи бўлавермайди. Инсон ўзига ана шу иш билан бандлик келтирадиган маблағлар (пул эквиваленти ёки табиий маҳсулот)дан ўз тирикчилиги учун фойдаланиши муҳимдир.

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиши даражасига қараб оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул иш билан бандлик даражаларига ажратилади.

Оқилона иш билан бандлик агрегацияланган ижтимоий-иқтисодий тушунчадир. Унинг мазмуни бир неча шундай блокни ўз ичига оладики, уларнинг меҳнат бозоридаги бор-йўқлигига қараб иш билан бандлик оқилона эканлиги ёки оқилона эмаслигини аниқлаш мумкин. Булар, жамият, ижтимоий гуруҳ ва айрим шахснинг манфаатларини ҳисобга олиш;

жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш; жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзгаришларига ҳозиржавоблик кабилардир. Оқилона иш билан бандликни иқтисодий фаол аҳоли умумий сонида маҳсулдор иш билан бандлар улуши тавсифлайди. Иш билан бандликнинг оқилона иш билан бандлик каби шакли мавжудлигини барча олимлар ҳам тан олавермайди. Кўпчилик фақат тўлиқ ва самарали иш билан бандликни ажратишга мойилдир. Ҳолбуки, оқилона иш билан бандлик таснифлаш элементи бўлиши лозим ва аввало, шунинг учун лозимки, иш билан бандликни самарали деб қатор йиллар ўтганидан кейин, узок истиқболдагина баҳолаш мумкин, меҳнат соҳасида ва иш билан бандлик борасида жараёнларни бошқариш учун эса қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги иш билан бандлик ҳолати баҳоланиши зарур. Бунда оқилона иш билан бандликни самарали иш билан бандликка қарама-қарши қўймаслик керак. Оқилона иш билан бандлик – самарали иш билан бандликнинг шарт-шароити, унга эришишдаги пиллапоядир. Оқилона иш билан бандликсиз самарали иш билан бандлик ҳам бўлмайди.

Самарали иш билан бандлик ижтимоий бошқарувнинг жамият ривожининг мазкур босқичида турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назарда тутди. Иш билан бандликнинг самарали тусда бўлиши даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлишни ҳамда иш ўринларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини назарда тутди. Самарали иш билан бандлик, шунингдек, кўплаб вариантлар орасидан иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик мезонлари йиғиндиси бўйича аниқланган энг яхшисини танлаб олишни ҳам назарда тутди.

Маҳсулдор иш билан бандлик шундай иш билан бандликки, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларига жавоб беради, юқори малакали, яхши ўқитилган ва ҳаракатчан ходимлар соғлом авлодини

такрор етиштириш учун шартшароитлар яратади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) нинг таърифича, маҳсулдор иш билан бандлик – меҳнат маҳсуллари жамият томонидан қабул қилиниб, ҳақи тўланадиган одамларнинг иш билан бандлигидир.

Энг мақбул иш билан бандлик инсоннинг доимий иш билан банд бўлишга давлат томонидан кафолат бўлмаган тақдирда жамиятда муайян мавқе эгаллашини таъминлайдиган шахсий таркибда ҳақ тўлаш шартшароитлари асосида моддий ва маънавий неъматлар яратиш мақсадида меҳнат жараёнида қатнашишидир.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини қамраш бўйича иш билан бандлик тўлиқ ва тўлиқсиз (қисман) иш билан бандлик бўлиши мумкин. Тўлиқ иш билан бандлик – жами меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имконини беришдир. Бироқ 100 %дан камроқни ташкил қиладиган иш билан бандликдир. Тўлиқ иш билан бандлик ноилож ишсизликнинг мавжуд эмаслигига тенгдир.

Тўлиқсиз (қисман) ишсизлик тўлиқсиз иш вақтининг миқдорий хусусиятлари бўйича қуйидаги шаклларга ажратилади:

- тўлиқсиз иш мобайнида бандлик (қисқартирилган иш ҳафтаси, қисқартирилган иш куни). Бу иш вақтининг инқирозли қисқартирилиши натижасидир. Бундай тартиб корхоналарнинг малакали ва тажрибали ходимларни сақлаб қолишлари ва ишсизликнинг олдини олишларига имкон беради;

- қисқа тўлиқсиз иш ҳафтаси қисқа иш ҳафтаси сон жиҳатидан камроқ (тўрт ярим, тўрт, уч) иш кунига тақсимланган иш ҳафтасининг меъёрий узунлигидир. Бу иш кунининг узайишига олиб келади. Уч кун ва ундан ҳам камроқ иш кунда ишлаб бериладиган, узунлиги 30-34 соат бўлган тўлиқсиз қисқа иш ҳафтаси қисқа иш ҳафтасининг ўзига хос тартибидир. Иш билан бандлик нуқтаи назаридан ушбу тартиб ҳафта давомида ҳар кун ишланадиган тақдирда мавжуд бўлиши лозим бўладиган иш ўринлари сонини икки ҳисса кўпайтириш имконини беради. Ўтказилган текширишлар

ана шундай тартиб бўйича ишлайдиган ходимлар сони ортишини кўрсатмоқда. Масалан, АҚШда 10 йил мобайнида (1992 йилдан 2002 йилгача) бундай ходимлар сони 1,5 барабар кўпайди;

- иш ўринларини бўлиш. Бу, шунингдек, иш вақтининг инқирозли бўлинишидир. Бир иш ўрни икки ходим ўртасида бўлинади. Одамлар иш соатлари, иш ҳақи, дам олиш кунлари, ижтимоий имтиёзларни бўладилар. Бу иш билан бандлик сиёсатнинг мослашувчанлигини таъминлашга ва малакали ишчи ходимларни сақлаб қолишга ёрдам беради. Масалан, Буюк Британияда иш ўринларини бўлиш махсус дастури бор, унга кўра ҳукумат корхоналарига ҳар бир бўлинган иш ўрни учун 750 фунт стерлингдан маблағ беради;

- иш вақтининг муқобил тартиби. Бу икки ходимни тўлиқсиз иш билан бандлик шарт-шароитларда ишлатиш тартиби бўлиб, у камроқ қўлланади. У, шунингдек, иш ўринларини бўлиш ҳамдир, лекин бунда икки киши бир иш ўрнида навбати билан (масалан, ҳафта оралатиб) ишлайди.

Ишга жойлашишининг легитимлиги бўйича иш билан бандлик расмий ва норасмий бандликка бўлиниши мумкин. Расмий иш билан бандлик – расмий иқтисодиётда рўйхатга олинган иш билан бандликдир. Норасмий иш билан бандлик – расмий иқтисодиётда рўйхатга олинмаган иш билан бандликдир. Иш билан бандлик соҳасида иқтисодиётнинг норасмий сектори ва унинг айрим турларини иш ўринларининг муҳим манбаи сифатида тан олиш лозим. Шу муносабат билан ХМТ, ҳатто 169-махсус конвенциясини қабул қилди, унда расмий ва норасмий секторлар ўртасида қўшимча алоқалар ўрнатишга кўмаклашиш ва норасмий секторни миллий иқтисодиётга доимий равишда киритиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги кўрсатилган¹.

Юксак ривожланган мамлакатларда уйдаги ишлаб чиқариш тизими каттагина аҳамиятга эга бўлади. Ушбу хўжалик институти шўро даврида мамлакатдаги иқтисодчилар томонидан очик-ойдин камситилар эди, у ҳозирги вақтда ҳам яхши ҳолатда эмас. Ҳолбуки, уйдаги ишлаб чиқариш — бозор иқтисодиётининг ниҳоятда муҳим элементи (тоталитар-маъмурий

¹ ХМТ конвенциялари ва тавсиялари (1957-1990). 2 томлик. Женева, 1999, Т.2, 2064-б.

хўжаликда унинг аҳамияти анча паст). Уйдаги ишлаб чиқариш тизимларининг моҳияти шундаки, уй хўжаликлари товар ва хизматлар сотиб олади-да, унга меҳнат қўшган ҳолда ушбу маҳсулотни истеъмол қилишга тайёр ҳолатга етказди. Бундай фаолият «ўзини ўзи таъминлаш» (self-provisioning) номи билан аталади. Бу меҳнат ёлланма ходимлар меҳнатидан фарқ қилади, чунки бу меҳнатнинг олдидан меҳнат бозорига чиқилмайди ва айна пайтда у тадбиркорлик меҳнати ҳам эмас, нега деганда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар муайян бозорларда сотилишини тақозо этмайди.

Бозор хўжалигида уй хўжалигининг неъматларга талаб субъекти ва ресурслар сотувчиси сифатидаги роли катта. Истеъмол товарларига талаб бозор иқтисодиётига ҳаётий куч бахш этади. Уй хўжаликларининг муҳим ишлаб чиқариш ресурслари – меҳнат ва пул маблағлари таклифининг субъектлари сифатидаги роли ҳам худди, шунингдек, муҳимдир. Бироқ расмий иқтисодиёт соҳасидаги меҳнат муносабатлари оилавий иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Пировард натижада оилавий ишлаб чиқариш иш билан бандлик динамикасида ҳамда иқтисодиётнинг бошқа секторларидаги меҳнат муносабатлари тизими ривожланишида мавжуд бўлган салбий тенденцияларни юмшатадиган оралиқ омил бўлиб хизмат қилади.

Коммунал ишлаб чиқариш тизимида транспортга эгалик қилиш, уй-жойга қараш, болалар ва беморларни парвариш қилиш бўйича норасмий бирлашмалар, кўнгилли ташкилотлар ва шу қабилар киради. Бунда алмашинув оқимлари квазипул айирбошлаш негизида амалга оширилади ва кўпроқ ноквантланган фаолият алмашинуви бўлади. Ушбу секторга расмий ишлаб чиқаришдан маҳсулотларнинг бир қисми экспорт қилинади, ходимлар хизматларининг бир қисмини норасмий негизда олишлари улар учун манфаатлироқ бўлиб қолади. Оқибатда, расмий секторнинг маҳсулотига талаб қисқариб, ишсизлик ошади.

Шахсий ёрдамчи хўжалик (ШЁХ)да иш билан бандлик аҳолининг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. ШЁХ – бир оила доираси билан

чекланган хўжалик. У кичикроқ миқёсда олиб борилади, унда асосан, оддий такрор ишлаб чиқариш амалга оширилади. ШЕХларда, асосан, оддий меҳнат куроллари ва қўл меҳнатидан фойдаланилади. Кейинги вақтларда бозорда замонавий мўъжаз қишлоқ хўжалиги техникаси пайдо бўлди, бу техника қишлоқдаги ишлаб чиқарувчиларнинг оғирини енгил қилиш имконини беради. Бироқ ушбу техниканинг баъзи турларини сотиб олиш шундай сарф-харажатни талаб қиладики, кўпчилик қишлоқ аҳлининг бунга қурби етмайди.

ШЕХ қишлоқ аҳолисининг ҳаётида зиддиятли роль ўйнайди. Бир томондан, у қишлоқ одамларининг даромадини оширади, уларни янги етиштирилган сархил маҳсулотларга сероб қилади, бундан ташқари, бу одамларнинг ўз изчанлик ва миришкорларини ишга солишлари мумкин бўлган соҳадир. Бошқа бир томондан эса ШЕХ анча вақт ва куч сарфини талаб қилади ва шу тариқа қишлоқ аҳлининг жами меҳнат юкини ошириб, уларнинг бўш вақтини қисқартиради.

ШЕХнинг ривожланиш истиқболлари хусусида нуқтаи назарлари турлича. Ислохотлардан аввалги даврдаги айрим чоп этилган мақолалар ва асарларнинг муаллифлари унинг муқаррар равишда йўқолиб кетиши тўғрисида хулоса чиқарган эдилар, айрим муаллифлар эса ШЕХ мавжуд бўлаверади, деб ҳисоблайдилар, баъзилари унинг шиддат билан ривожланишини тахмин қилмоқдалар, бошқалари унинг иқтисодий жиҳатдан умри битганлигини таъкидламоқдалар.

Шуни эътиборда тутиш керакки, ШЕХда иш билан бандлик қишлоқдаги турмуш тарзининг ажралмас қисми, қишлоқ одамлари ҳаёт тарзининг элементиدير. Томорқа ерида ишлаётганида деҳқон ўзини хўжайиндек сезади. Ишчанлик ва тадбиркорлик ғайратини ишга солади, шу сабабларга кўра истиқболда бозор муносабатлари ривожланган тақдирда шахсий томорқа хўжалиги мавжуд бўлаверади, лекин унинг таркиби, юритилиш шакл ва усуллари ўзгариб бориши мумкин. Бундай фаолият билан шуғулланувчи одамларга солиқ ва кредит борасида имтиёзлар берилади, ШЕХдаги иш меҳнат стажига киритилади.

Яширин ишлаб чиқариш ҳам мустақил иш билан бандликка киради. Махфий деб ном олган иқтисодиётнинг бу сектори кўпроқ расмий иқтисодиётга яқин туради, чунки бунда расмий иқтисодиётда ўхшаш хилларга эга бўлган фаолият турлари амалга оширилади, бунинг устига кўпинча улар унинг ҳисобидан олиб борилади.

Кейинги йилларда мустақил иш билан бандликнинг янги турлари: рўйхатга олинмаган иш билан бандлик – газеталардаги эълонлар бўйича иш билан бандлик (хизматларни хилма-хил турларини қамрайди) ва савдо – кўчадаги савдо, буюм бозорларидаги савдо («иқтисодий туризм», «йўлга катновчилар») билан боғлиқ бўлган иш билан бандлик пайдо бўлди. Яна бир бор қайд этиш керакки, аҳоли ўзини ўзи иш билан банд этишнинг кўриб чиқилган турлари расмий иш билан бандликдан расмий тарзда расмийлаштирилмаганлиги билан фарқ қилади.

Ташкил қилинишининг шакллари бўйича иш билан бандлик стандарт ва ностандарт турларга бўлинади. Бундай бўлишнинг асосида турли шаклларга кирадиган меҳнат жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хослиги ётади. Стандарт (меъёрий) иш билан бандлик – саккиз соатлик иш куни ва 40 соатлик иш ҳафтасида доимий ишлаш назарда тутилادиган иш билан бандликдир. Ностандарт иш билан бандлик бу доирадан четга чиқади. Ностандарт иш билан бандликка уйда иш билан бандлик, иккиламчи иш билан бандлик (ўриндошлик), хизмат сафарларида бандлик (вахта усули), вақтинчалик бандлик ва тасодифий ишлар киради. Баъзи иқтисодчилар иш билан бандликнинг ностандарт шаклларига иш вақтининг мослашувчан тартибларини ҳам киритадилар.

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофиқ равишда рўй берадиган ўзгаришлар иш билан бандлик концепциясининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир, улар иккиламчи ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандлик муносабатларини белгилайди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқиладиган иш билан бандлик янги концепцияси уйда, уй хўжалигида

бажариладиган меҳнат фаолияти шакллари мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида легаллаштиради.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий парадигмасининг қарор топиши юз бермоқда.

1.3. Аҳолининг иш билан бандлиги, унинг асосий турлари ва шакллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилувчилари муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс — ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир бўлган самарали иқтисодиётнинг яратилишини англатади.

Иш билан бандликни ишчи кучига талабни кенгайтиришга (уларни фойдали фаолиятга жалб қилиш кўламлари, шарт-шароитлари ва шакллари таъминлашга, иш билан банд бўлган ходимларни шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш, бўшатиш, қайта тайёрлаш ва қайта тақсимлашга)

йўналтирилган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Бу концепция доирасида тўла оқил (рационал) ва самарали бандлик фарқланади. Иш билан «тўлиқ» бандлик социализмдаги меҳнатнинг умумийлиги ва мажбурийлигининг аниқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан амалга оширилишидир. У меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имкониятларининг берилиши билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларни ҳисобга олиб, тўлиқ иш билан бандлик даражаси бозор иқтисодиётига мослашиб боради. Меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий хўжаликка жалб қилишнинг энг юқори даражаси сифатида талқин қилиш ҳам ўзгариб борапти. Иш билан тўлиқ бандликка аҳолини жалб қилишнинг ҳар қандай даражасида эришиш мумкин, бунда у аҳолининг иш ўринларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мувофиқ келиши, таклиф этилаётган иш ўринлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ оқилона (самара) бўлиши лозим. Бу ўринда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўрни деганда шундай иш ўрни тушуниладики, у инсонга юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ўзининг, оиласининг яхши яшаши учун етарли бўладиган иш ҳақига эга бўлиш тушунилади, шу билан бирга бу иш ўрни унинг саломатлигига зарар етказмаслиги ва инсоний қадр-қимматини ерга урмаслиги керак.

Шундай қилиб, иш билан тўлиқ бандлик меҳнатга қобилиятли барча фуқароларни касбий меҳнат соҳасига жалб қилишни англамайди. Инсон ўз истаги бўйича ижтимоий фойдали бандлик соҳаларидан бирини (халқ хўжалигидаги касбий меҳнатни, уй хўжалигини ва шу қабиларни) танлашга ҳақлидир. Бироқ тартибга солувчи асосий фаолият тури даромад келтирувчи, шахс фаровонлигини оширувчи ва ривожлантиришини таъминловчи касбий меҳнат билан банд бўлишдир.

Касбий меҳнат билан банд бўлиш даражаси ходимлар умумий сонининг (улар ишлаётган корхона қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлишидан қатъи назар) меҳнат ресурлари сонига нисбати билан белгиланади ҳамда

меҳнат унумдорлиги ва жамият ривожланишининг ижтимоий самарадорлиги соҳасида эришилган ютуқларни акс эттиради. Бунинг маъноси шуки, иш билан бандликдаги мазкур пропорция ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манфаатларига, уни жадаллаштириш натижаларига, фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш манфаатларига тўлиқ мос келса, шунингдек, соғлом авлодни етиштиришга, юқори малакали, яхши таълим олган серҳаракат ходимларни тарбиялашга қулай шароит яратиб берса, бундай бандлик пропорцияси энг мақбул (оптимал) деб ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган барча шароитларга жавоб берадиган иш билан тўлиқ бандлик унумдор иш билан бандлик деб аталиши мумкин. Бунда биз унумдор иш билан бандлик самарали меҳнат билан айна бир нарса эмаслигига асосланамиз. Самарали меҳнат унумдор иш билан бандликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Пировард натижада тўлиқ ва унумдор иш билан бандлик узвий бирликда бўлади. Агар иш билан тўлиқ бандликка иқтисодий жиҳатдан номақбул иш ўринлари ёки муносиб тирикчилик ўтказишни таъминламайдиган иш ўринлари билан эришилса, у ходимларнинг касб-малака ва таълим даражасига ёки халқ хўжалигидаги вазифаларга зид бўлса, малакали кадрлар тайёрлаш ва нормал демографик ривожлантиришни таъминлашга ҳалақит берса, аҳолининг бундай иш билан бандлиги умуминсоний қадриятларга ёрдам бермайди ва ижобий деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Одамларнинг ижтимоий зарур иш билан бандликка бўлган эҳтиёжини ва уни амалга ошириш имкониятини режали тартибга солиб бориш лозим. Бундан мақсад инсоннинг фаолият кўрсатиш, шарт-шароитларни яхшилаш ва иқтисодиётни самарали ишлашини таъминлашдир.

Иш билан бандлик мақоми ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этувчи меҳнат ресурсларининг бир қисми учун белгиланади. Булар даромад олиш мақсади билан товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун иш кучини таклиф қиладиган кишилар гуруҳи, шунингдек, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этса ҳам бевосита пул даромади келтирмайдиган аҳоли

гуруҳи ёхуд неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган даромад келтирадиган кишилар гуруҳидир.

Биринчи гуруҳга иқтисодийнинг давлат секторида банд бўлган кооператив, акциядорлар жамиятларида, хусусий секторда ишлайдиган фуқаролар, иккинчи гуруҳга эса ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим оладиган ўқувчилар, республика қуролли кучларининг хизматчилари киради.

Шундай қилиб, банд аҳолига ёлланиб ишлайдиган фуқаролар, шу жумладан, тўлиқ ёки нотўлиқ иш куни (ҳафта) мобайнида ҳақ олиб иш бажарадиган, шунингдек, тегишли шартнома, битим билан тасдиқланган ҳақ тўланувчи ишга эга бўлган касаллиги, таътилга чиққанлиги муносабати билан ишда бўлмаган фуқаролар киради. Ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиган шахслар, шу жумладан, тадбиркорлар ва фермерлар, ҳарбий қисмлардаги қўшин турларида хизмат қилаётган шахслар, ўқувчилар ҳам иш билан банд кишилар жумласига киради.

Иш излаётган, ишини ўзгартираётган, вақтинча ишламаётган аҳоли ва ишдан ажралган ҳолда ўқимаётган, ишнинг мавсумий эканлиги туфайли вақтинча ишламаётган аҳоли иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳолига мансубдир. Ишсиз мақомига эга бўлган шахслар ҳам иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳоли жумласига киради.

Иш билан бандлик муносабатлари иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Иш билан бандликнинг иқтисодий мазмуни ходимнинг ўз меҳнати билан ўзига муносиб ҳаёт кечиришни таъминлаш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришиш имконияти билан ижтимоий мазмуни шахсни шакллантириш ва ривожлантириш билан ифодаланади.

Иш билан бандликнинг самарадорлигини давлат тараққиёти мафкурасини акс эттирадиган кўрсаткичлар тавсифлаб бериши мумкин ва улар ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши таъсирида шаклланади. Биринчидан, булар жамият меҳнат ресурсларини уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятида иштирок этиш хусусияти асосида тақсимлаш

пропорцияларидир. Улар меҳнат унум дорлигининг қандай даражасида аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи қондирилишини ва иш билан тўлиқ бандликка қандай йўллар билан эришилишини кўрсатади. Чунки ижтимоий меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, ходимларнинг юқори даромадлари учун моддий шарт-шароитлар шунчалик кўпроқ тўпланади, меҳнат соҳасини техник-ташкилий томонидан такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, аҳоли турли гуруҳларининг меҳнат ва турмуш шароитининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш таъминланади.

Иш билан бандлик самарадорлигининг иккинчи хусусияти меҳнатга қобилиятли аҳолининг ижтимоий ҳўжаликда иш билан банд бўлиш даражасидир. Статистик жиҳатдан бу даромад келтирувчи касбий меҳнат билан банд бўлган аҳолининг бутун меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбати билан акс эттирилади. Иқтисодий жиҳатдан бу кўрсаткич жамоат ҳўжалигининг ходимларига бўлган эҳтиёжини ва аҳолининг иш ўринларига бўлган эҳтиёжини акс эттиради.

Ишсизлик умумназарий нуқтаи назаридан иш кучини таклиф қилиш ва иқтисодиётда унга бўлган талабнинг мос келмаслигини, уларнинг миқдорий, таркибий (ҳудудий, касб-малака ва ҳоказолар) жиҳатидан мувофиқ эмаслигини акс эттиради. Бу меҳнат бозорининг шаклланиши ва мавжуд бўлиши шароитида ижтимоийи қтисодий ҳаётнинг муҳим доимий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ишсизликка реал баҳо бериш ва уни ўлчаш ХМТ тавсияларига мувофиқ ҳамда меҳнат муносабатларининг қарор топган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистонда ишсизларга 16 ва ундан катта ёшдаги кишилар киради, улар ана шу қараб чиқиладиган даврда ишга ёки бошқа даромадли машғулотга эга бўлмайдилар, иш қидираётган бўладилар ва ишга киришга тайёр турадилар.

Ишсизликнинг яширин турлари ва иш билан норасмий бандликнинг асосий хавфи ошқора ишсизликка ўтиш имкониятидан ташқари, меҳнат ахлоқининг бузилиши, ишчи кучининг малакадан маҳрум бўлиши, касбга

бўлган қизиқиш ва кўникмаларни йўқотиш, жамиятга ҳозир потенциали керак бўлмаган кишилардан маълум қисмини қашшоқлашувига олиб келишидир. Бундан ташқари, корхоналарда ортиқча ходимларни сақлаб туриш маҳсулот таннарининг асоссиз равишда ортиб кетишига, инфляциянинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Иш билан бандлик самарадорлигининг учинчи хусусияти ишловчиларнинг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимлаш тузилмасидан иборат бўлиб, у ҳақиқатда меҳнат потенциални машғулотлар турлари бўйича тақсимлашдан иборатдир. Ҳозирги вақтгача мавжуд бўлган иш билан бандликнинг тармоқ тузилиши жамият меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлигининг даражаси пастлигини акс эттиради ва у тубдан ўзгартиришга муҳтождир.

Ниҳоят, иш билан бандлик самарадорлигининг тўртинчи хусусияти ишловчиларнинг касб-малака гуруҳлари тузилиши ҳисобланади. У ишловчи аҳолининг касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимланишини кўрсатади ва кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиётдаги малакали ходимларга бўлган эҳтиёжи билан мутаносиблик даражасини акс эттиради.

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга ва бунинг оқибатида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин. Бунда ҳал қилувчи роль Кейнс назариясига кўра, хусусий сармоя қўйилмаларни давлат томонидан рағбатлантирилиши ва тартибга солинишига, давлатни ўзининг харажатларига, яъни солиқ солиш, қарз ва давлат маблағларини сарфлаш соҳаларини қамраб олувчи бюджет сиёсатига тегишли бўлади. Сармоя қўйилмаларини кенгайтириш ишлаб чиқаришни ва демак, иш билан бандликни кўпайтиришни англатади.

Кўрсаткичнинг пастроқ бўлиши «меҳнат бозорининг нормал ишлашига» мувофиқ келмайдиган, ишчи кучи талаб ва таклифининг оптимал нисбатини бузадиган ҳолат сифатида баҳоланган. 70-йиллар охиригача Ғарбий Европадаги 2-3 % ишсизлик ва АҚШдаги 4 % ишсизлик давлат сиёсати

сифатида қабул қилинган. Ҳатто социал-демократик ҳукумат «тўлиқ иш билан бандлик» сиёсатини ўтказган Швецияда ишсизликнинг расмий тан олинган энг кам даражаси 1,5 % бўлган.

ХМТ методикаси бўйича иш билан банд эмаслик даражаси ишсизлар сонининг меҳнат ресурслари сони нисбатига тенглашади. У ишчи кучи талаб ва тақлифидаги тузилмавий номуносибликни кўрсатади, бу бўш иш жойлари ва иш излаётган шахсларнинг бир вақтда мавжудлигини англатади.

Бугунги кунда иш билан бандлик қатор омиллар таъсирида шаклланади:

1. Қайта қуриш жараёнлари келтириб чиқарган иқтисодиётдаги глобал тузилмавий ўзгаришлар, яъни:

- давлат сектори трансформацияси;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- хўжалик юретишнинг янги шакл ва турларини ривожлантириш (кооперация, ижарадаги корхоналар ва бошқа меҳнат жамоалари);
- зарар келтирадиган, экологик зарарли корхоналарни тугатиш;
- республика вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг бошқарув аппаратини қисқартириш.

2. Ишлаб чиқариш соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар:

- хом ашё, материалларни етказиб бериш ва молиялашнинг камайиши муносабати билан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг камайиши;
- бозорга ўтиш оқибати сифатида корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилиши;
- корхоналар бошқарув тузилмаларининг такомиллаштирилиши.

3. Истеъмол саватининг қимматлашуви оқибати сифатида аҳоли турмуш даражаси, унинг даромадлари ва истеъмоли даражасидаги ўзгаришларда намоён бўладиган иқтисодий омиллар.

4. Омилларнинг ижтимоий-демографик гуруҳи:

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
- табиий ўсиш ва ўлиш миқдори (айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшда);

- миграция жараёнларини фаоллаштириш;
- кадрлар кўнимсизлигининг кескинлашуви.

Иш билан бандликнинг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан меҳнат ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги ўзгаришларга боғлиқдир. Ҳозирги кундаги иш билан бандлик характери меҳнатга лаёқатли аҳолининг давлат хўжалигига асоссиз юқори даражада жалб қилинганлиги билан фарқланади. Бу кўп жиҳатдан иш жойлари билан ижтимоий-демографик омиллар таъсирида шаклланадиган меҳнат ресурслари миқдори ўртасида миқдорий мувозанатсизлик ва аҳолининг табиий ҳамда миграцион ҳаракати жараёнларида фарқлар борлигига боғлиқдир.

Давлат корхоналаридаги иш ҳақи даражасининг нархлар инфляцион ўсишидан ортда қолиб боришига кўра ёши меҳнатга лаёқатли аҳоли учун меҳнат тартибига нисбатан катта мажбурийлик хос бўлган (конвейер тизими, кўп дастгоҳлилик ва бошқалар, тор мутахассислилик, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари), иш ҳақи билан қопланмайдиган иш жойлари эътиборсиз бўлиб боради. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда иқтисодиётни ижтимоий йўналтирилганлик даражаси миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг таркиб топган тармоқ ва касб тузилмасини аниқ ифода этади.

70-йилларда таркиб топган иш билан бандликнинг тармоқ тузилмаси кам динамик бўлиб, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ келмайди, чунки ишчи кучини илмий-техник тараққиёт талаби даражасида қайта тиклашга қодир эмас, инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилмаган.

Иш билан бандлик соҳасидаги вазиятнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардир:

- ноишлаб чиқариш соҳасидаги бандликнинг ўта паст даражаси (ишловчиларнинг аксарият кўпчилик қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилади);
- қишлоқ хўжалиги ва саноатда иш билан бандлик даражасининг нисбатан юқорилиги.

Иш билан бандлик тармоқ тузилмасида илгари мавжуд бўлган ижодий силжишлар секинлашди ва инсон учун ишлайдиган бир қатор йирик тармоқларда (савдо, умумий овқатланиш ва бошқалар) қисқариш тенденцияси кўзга ташланади.

Иш билан бандликнинг юзага келган касб турини индустриал деб ҳисоблаш мумкин. Саноат тармоқларини ривожлантиришдаги узоқ муддатли устувор иш билан банд бўлганлар касб таркибини шу тармоқлар эҳтиёжига кўра шаклланишига олиб келади. Шунинг учун халқ хўжалиги ходимлари таркибида муҳандислик касбидаги мутахассислар, ишчилар орасида эса — анъанавий касблар вакиллари устувордир: малакаси паст ва малакасиз кадрлар ҳиссаси катта. Хизмат соҳасидаги касб таркиби ҳам бир томонламадир, чунки бу тармоқларни ривожлантириш уларни олий маълумотли мутахассислар билан бойитиш билан боғланиб, ўрта бўғин — ўрта ўқув юртларининг етишмаслиги ва иш ҳақининг даражаси пастлиги туфайли улар етарлича ривожланмаган. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг экстенсив йўли меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий вақт бюджетини унинг ижтимоий хўжаликдаги иш билан бандлиги фойдасига мунтазам қайта тақсимланишини тақозо этди.

Турмуш даражасининг пасайиши аҳолини қўшимча маблағ манбаларини излашга ундайди. Аҳолининг янгидан-янги контингенти (аёллар, пенсионерлар ва ҳатто болалар)да иш жойларига эҳтиёж ортиб боради, икки ёки ундан ортиқча ишда ишлаш ўсиб боради. Айни бир вақтда турли сабабларга кўра ходимларни ишлаб турган корхоналардан бўшатиш ҳоллари фаоллашади, аммо бу қоидага кўра, ўз меҳнатини интенсификациялаш имконияти пасайган, малакаси кам ходимларга тегишли бўлади

Таклиф этилган кўрсаткичлар тизими иш билан бандликнинг энг муҳим хусусиятларига унинг самарадорлиги нуқтаи назаридан йириклашган ҳолда макро даражада баҳо беришга имкон туғдиради. Бундай баҳо беришлар фақат мавжуд муаммоларни аниқлаш учун эмас, балки иш билан бандлик соҳасидаги ортиб бораётган қонуний тамойилларни аниқлаш учун ҳам

муҳимдир. Бундан ташқари, кўрсаткичлар мазмунининг тасдиқлашича, иш билан бандлик фақат иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга яққол ифодаланган ижтимоий мазмунга ҳам эгадир.

2-БОБ. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

2.1. Аҳолининг иш билан таъминланишида демографик омиллар

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ресурслари бандлигининг мақбул йўлини топиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади ва у меҳнат бозорининг шаклланишида ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Республикада мустақилликка эришиш давригача аҳолини умумий иш билан таъминлаш сиёсати амалга оширилар, конунга биноан барча аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд этиш кўзда тутилган эди, лекин меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланилар, уларнинг ёши ва жинсий таркибларида, тармоқлар ва ҳудудий бандлигида номутаносибликлар кузатилар эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатида асосий ўрин меҳнат бозорини шакллантиришга қаратилди ва шу асосда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солишдан иборат сиёсат амалга оширила бошлади. Маълумки, ишчи кучини товарга айлантирмасдан туриб, бозор муносабатларини шакллантириш мумкин эмас.

Ўзбекистон ҳозирги пайтда жуда юқори меҳнат ресурслари салоҳиятига эга. Ушбу меҳнат ресурслари аввалги ўн йилликларда туғилиш даражаси юқори бўлганлиги ҳисобига рўй бермоқда. Кейинги йилларда меҳнатга лаёқатли ёшлар қаторига 1988-1990 йилларда туғилганлар кириб келишмоқда. Ўша йилларда республикада туғилганлар сони 600-700 минг кишини ташкил қилган. Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси сони йилига 400 минг кишига кўпаймоқда.

Ҳозирги кунда республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 14,5 миллионга яқин, ундан иқтисодий фаол аҳоли сони 9,1 миллиондир. Кейинги

уч йил (2004-2007 йиллар) мобайнида республикамизда иқтисодий фаол аҳоли сони 602,8 минг кишига кўпайди.

Кўриниб турибдики, республикада ҳозирги кунда ишсизлик даражаси анча юқори, лекин статистика ташкилотлари ушбу кўрсаткични кам даражада кўрсатишмоқда. Республика Давлат статистика қўмитаси маълумотлари кўра, 2008 йили республикада атиги 85,6 минг одам меҳнат биржасида расмий равишда ишсизлар деб қайд қилинган.

Ишсизларнинг 38,2 мингини аёллар ташкил этади, уларнинг 43,3 фоизи 18-30 ёшдагилар, 39,2 фоизи 30-50 ёшдагилар, 11,7 фоизи - 16-18 ёшдагилар, 5,7 фоизи эса пенсия олди ёши ва ундан каттароқ ёшдагилардир.


Расмий ишсизлар деб рўйхатдан ўтган эркаклар сони 47,4 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 40,5 фоизи 18-30 ёшдагилар, 36,7 фоизи 30-50 ёшдагилар, 11,7 фоизи 16-18 ёшдагилар 11,1 фоизи пенсия олди ёши ва ундан катта ёшдагилардир.

Ишсизларнинг билим даражаси анча юқори. Улардан 51,5 фоизи эркаклар 51,2 фоиз аёллар ўрта умумий маълумотли, 25,1 фоиз эркаклар, 24,8 фоиз аёллар ўрта махсус маълумотли, 6,9 фоиз эркаклар ва 7,0 фоиз аёллар олий маълумотли ва 16,5 фоиз аёллар ва 17,0 фоиз аёллар тўлиқсиз олий маълумотли ва 16,5 фоиз аёллар ва 17,0 фоиз эркаклар умумий ўрта маълумотга эга эмаслар.

«Ижтимоий фикр» ходимларининг социологик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда ишсизлар сони расмий статистик маълумотларга қараганда анча юқори. 2000-2004 йилларда олиб борилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сўров олиб борилган респондентлар ичида ишсизлар ўртача 12-15 фоизни ташкил қилади.

1-чизма.

Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг ёш таркиби бўйича бандлиги, фоиз (2007 йил)



Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли жуда ёш таркибга эга. Ҳозирда республика иқтисодиётида банд аҳолининг ўртача ёши 35,4 ёшни ташкил қилади.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича бандлиги, фоиз

Ёш гуруҳлари	1998 йил	2000 йил	2005 йил	2007 йил
Жами:	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан, ёш:				
16 ёшгача	0,3	0,3	0,1	-
16-24	14,6	15,1	14,9	13,8
25-29	22,0	21,9	21,4	20,2
30-39	29,4	29,9	30,1	31,1
40-49	22,4	22,9	23,3	24,3
50-59	7,6	6,5	6,9	6,9
55 ёшдан катталар	3,7	3,4	3,3	3,7
Ўртача ёш	35,0	34,7	35,0	35,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, халқ хўжалиги тармоқларида банд аҳолининг 34,0 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир, атиги 10,0 фоизи эса 50 дан юқори ёшдаги кишилардир.


Иқтисодий фаол аҳолининг билим даражаси юқори ва у йилдан-йилга ошиб бормокда. Масалан, 1998 йили иқтисодий фаол аҳоли сонига олий маълумотлилар 16,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб улар 17,6 фоизни ташкил қилди. Ўрта махсус билимга эга бўлганлар 1998 йили 19,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб улар 21,7 фоизни, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 1998 йили 63,9 фоиз бўлган бўлса, уларнинг салмоғи анча камайиб, 2008 йили 60,1 фоизга тушиб қолди.

2.2. Ўзбекистонда аҳоли бандлигининг тармоқлараро ва ҳудудий таркиби

Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги аёлларнинг билим даражаси, эркакларга қараганда анча юқори. Масалан, халқ хўжалигида банд бўлган эркаклар салмоғида олий маълумотлилар 17,3 фоиз бўлса, аёллар 18,0 фоиз, ўрта махсус таълимга эга бўлган эркаклар 19,4 фоиз, аёллар эса 24,2 фоизни, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли эркаклар 63,3 фоиз, аёллар эса 57,8 фоизни ташкил этади.

2-чизма

Ўзбекистон аҳолисининг халқ хўжалик тармоқларида бандлиги, % (2007 йил)



Республикада ўтказилган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг иш билан таъминланишида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бозор

иқтисодиётига ўтиш даврида халқ хўжалиги тармоқларида банд иқтисодий фаол аҳолининг сони йилдан йилга ошиб борди. Уларнинг сони 1991 йили 8255 минг бўлган бўлса 1995 йилда – 8449 минг, 2000 йилда – 9018 минг, 2003 йилда – 9621 минг, 2008 йилда эса 11863 минг кишини ташкил қилди. Шундай қилиб, иқтисодий фаол аҳолининг сони 1991-2008 йилларда 1,44 марта кўпайди, яъни 43,7 фоизга ўсди. Мамлакат халқ хўжалигидаги бандлик тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. 1995-2008 йилларда аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида қайта тақсимланишида ўзгаришлар юз берди.

Саноатнинг асосий тармоқларида аҳоли бандлиги камайиб, 1995 йилдаги 12,9 фоиздан 2008 йили 12,1 фоизга тушиб кетди. Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлиги сон жиҳатдан ҳам, салмоқ жиҳатидан ҳам камайди. Ушбу соҳадаги бандлик даражаси 41,2 фоиздан 31,0 фоизга қисқарди (2-жадвал).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, республика иқтисодиётида ҳали ҳам аграр секторида банд бўлган аҳоли салмоғи юқори, шунинг учун ҳам келажакда меҳнат ресурсларини бошқа тармоқларга, айнан қишлоқ хўжалигидаги банд бўлган аҳолидан йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўзбекистон аҳолисининг халқ хўжалиги тармоқларида бандлигининг тадрижий ўсиши (1995-2000 йй.)

Тармоқлар	1995 й.		2000 й.		2003 й.		2005 й.		2008 й.	
	Минг киши	фоиз	Минг киши	фоиз	Минг киши	фоиз	Минг киши	фоиз	Минг киши	фоиз
Жами	8449	100,0	8983	100,0	9136	100,0	10333	100,0	11062, 5	100,0
шу жумладан:										
Саноат	1093	12,9	1145	12,7	1160	12,7	1286	12,7	2223	12,8
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3485	41,2	3093	34,4	3062	33,5	3046	32,6	3063	31,9
Қурилиш	538	6,3	676	7,5	702	7,7	729	7,8	763	8,0
Транспорт ва алоқа воситалари	347	4,1	382	4,3	394	4,3	411	4,4	433	4,5
Савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти	705	8,3	754	8,4	778	8,5	781	8,4	815	8,5
Уй-жой хўжалиги, маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий турлари	214	2,5	251	2,8	262	2,9	272	2,9	285	3,0

Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	487	5,8	587	6,5	605	6,6	626	6,7	655	6,8
Маориф, маданият ва санъат, илм-фан ва фанга хизмат кўрсатиш соҳалари	1054	12,5	1146	12,8	1172	12,8	1205	12,9	1258	13,1
Молия, кредит ва суғурта	40	0,5	52	0,6	51	0,6	51	0,5	50	0,5
Бошқа соҳалар	486	5,7	897	10,0	950	10,4	1026	11,1	1044	10,9

Бошқа тармоқларда эса масалан қурилиш, молия, кредит, суғуртада аҳолининг бандлик даражасининг бир мунча ошганлиги қайд этилган. Ушбу давр ичида бошқарув органларида банд бўлганлар 0,3 фоизга кўпайди. Бу эса 29 минг кишини ташкил этди.

Мамлакат иқтисодиёти тузилмаси қанчалик «ривожланган» эканлигини иш билан бандларнинг иқтисодиёт соҳалари (ёки секторлари) бўйича, жумладан моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан намоддий ишлаб чиқариш соҳаси ўртасида тақсимланишидан билиш мумкин. Бу нисбатнинг ўзгаришига, энг аввало, ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш сургатлари таъсир кўрсатади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар улушининг қисқариши Ўзбекистон учун янги тенденция эканлигини қайд этмоқ зарур. Агар 1995 йилда республиканинг ишлаб чиқариш соҳасида, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 26,1% ишловчи банд бўлган бўлса, 2003 йилга келиб ушбу кўрсаткич 30,5 фоизгача кўпайди, моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар улуши эса 73,9 фоиздан 69,5 фоизга қисқарди. Бу, бизнинг фикримизча, жуда ижобий ҳодисадир. Жаҳоннинг юксак ривожланган етакчи мамлакатларида моддий ишлаб чиқаришга қараганда номоддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар устунлик қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам катта имкониятлар мавжуд. Иш билан бандларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш илмий-амалий аҳамиятга эгадир (3-жадвал). Биринчидан, бунда шуни қайд этиш зарурни, нодавлат секторда банд бўлганлар сони ва улуши ортиши баробарида давлат секторида ишлаётганлар сони ва улуши камаймоқда. Бундай вазият бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган мамлакатлар учун хосдир. Бундай тенденция истиқболда ҳам сақланиб қолади.

3-жадвал

2000-2008 йилларда мулкчилик шакллари бўйича иш билан аҳоли таркиби
динамикаси (минг киши)

	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2008 й
Корхоналарда иш билан банд бўлганлар жами	8449,2	8561,0	8680,0	8833,3	8924,1	9589,0
Улардан:						
Давлат секторида	2860,0	2679,0	2493,7	2272,0	2159,6	2186,3
Нодавлат секторда	5589,2	5889,0	6186,3	6561,3	6764,5	7402,7
Шу жумладан:	66,0	56,0	52,0	46,0	42,0	35,0
ижара корхоналарида						
Акциядорлик корхоналарида	827,0	750,0	774,0	785,0	792,0	915,0
Жамоат ташкилотларида	19,1	22,8	23,0	24,0	25,0	26,0
Кооперативлар ва матбуат кооперацияларида	114,6	97,4	79,0	80,0	86,0	91,0
Хусусий секторда	264,0	302,1	274,0	256,0	281,0	318,0
Қўшма корхоналарда	34,0	56,0	80,0	82,0	84,0	87,0
Колхозларда	1487,2	1468,0	1393,0	1310,0	1218,0	1113,0
Деҳқон хўжаликларида	95,1	109,0	135,0	147,0	169,0	181,0
Фермер хўжаликларида	201,5	191,6	188,0	150,0	153,0	159,0

Мулкчиликнинг жамоа шаклларида	569,2	514,1	445,0	450,0	475,0	542,0
Мулкчиликнинг аралаш шаклларида	54,2	63,2	83,0	120,0	132,0	154,0
Мулкчиликнинг бошқа шаклларида	1827,3	2258,8	2660,3	3111,3	3307,5	3682,0

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича тузилган.

Иш билан банд бўлганларнинг мулкчиликнинг аниқ турлари бўйича қайта тақсимланиши нодавлат секторнинг муайян корхоналари Ўзбекистон ҳозирги шароитларда рақобатбардошли эканлигини, баъзилари эса банкротлик ва рақобатга бардош бера олмаслик ва бошқа сабабларга кўра сон жиҳатидан қисқараётганлигини кўрсатади. Жумладан, кейинги йилларда кўшма корхоналарда ва мулкчиликни аралаш шаклларида эга бўлган корхоналарда банд бўлганлар сони 2 баровардан ортиқ, деҳқон хўжаликларида ва бошқа мулкчилик шаклларида хўжаликларида ишлаётганлар сони бир ярим баровардан ортиқ кўпайди. Айни вақтда давлат тасарруфидаги корхоналарда ишлаётганлар сони сезиларли қисқарди. Келгусида бундай таркибий ўзгаришлар анча тадрижий бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасини кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид ва қонун ҳужжатларини айнан мана шунга йўналтирилган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда иш билан бандлик даражаларида муайян ҳудудий табақаланиш мавжуд. Бу, энг аввало, у ёки бу вилоятнинг республика халқ хўжалиги комплексидаги роли ва ўрни, унинг иқтисодий тузилмаси, индустриаллаштириш жараёнлари тўламлари ва уларни ривожлантириш суръатлари билан белгиланади. Қуйидаги жадвал маълумотлари мана шундан далолат беради.

Иш билан банд аҳолининг умумий сонига шаҳар ва қишлоқда иш билан
бандлар улуши *, %

	1995 йил			2007 йил		
	Ҳаммаси	шаҳар	қишлоқ	Ҳаммаси	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон бўйича	100,0	44,6	55,4	100,0	49,1	50,9
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	48,5	51,5	100,0	52,6	47,4
Андижон вилояти	100,0	44,9	55,1	100,0	49,5	50,5
Бухоро вилояти	100,0	3,95	60,5	100,0	41,2	58,8
Жиззах вилояти	100,0	31,5	68,5	100,0	38,1	61,9
Қашқадарё	100,0	23,7	76,3	100,0	29,7	70,1
Навоий вилояти	100,0	59,7	40,3	100,0	64,1	35,9
Наманган вилояти	100,0	27,1	72,9	100,0	38,3	61,7
Самарқанд вилояти	100,0	38,9	61,1	100,0	42,2	57,8
Сурхондарё вилояти	100,0	24,6	75,4	100,0	32,1	67,9
Сирдарё вилояти	100,0	38,6	61,4	100,0	45,0	55,0
Тошкент вилояти	100,0	45,6	54,4	100,0	49,4	50,6
Фарғона вилояти	100,0	38,8	61,2	100,0	43,2	56,8
Хоразм вилояти	100,0	40,6	59,4	100,0	47,6	52,4
Тошкент шаҳри	100,0	100	-	100,0	100	-

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республика кўламида урбанизация юқори бўлган Наманган вилоятида шаҳарда иш билан банд бўлганлар улуши анча юқори. Агар қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги вилоятлар бўйича ўрганиб чиқиладиган бўлса, бус уст урбанизациялашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқори эканлиги аён бўлади. Умуман олганда мамлакат ҳудуди бўйича иш билан банд бўлганларнинг тақсимланиши ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий тузилмасини акс эттиради.

Республика бозор муносабатларига киришини давомида ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари тобора кўпроқ роль ўйнайди. Бу иш билан таъминлашни ўсишига олиб келади. Бозор муносабатларини ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва уларнинг ичидагина эмас, балки мулкчилик шакллари ва меҳнатни ташкил этиш турлари ҳамда мамлакат ҳудудлари ўртасида иш билан бандларини қайта тақсимланишига кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, фаолият шакллари ва мулкчилик шакллари бўйича иш билан бандликни тақсимланиши ўрганиб чиқиладиган даврда бир қанча омиллар, шу жумладан иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, давлат тасафуридан чиқариш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашининг ўзгариши, демографик вазият ва бошқалар таъсирида ўзгарди.

Ноишлаб чиқариш соҳасида иш билан бандликнинг энг умумий тенденциялари қуйидагилардан иборатдир:

- молиявий ресурслар етишмаслиги (илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш, маданият ва санъат, бошқарув) туфайли келиб чиққан иш билан бандлик даражаси ошишининг унчалик юқори эмаслиги;
- бюджетдан молиялаштиришдаги қийинчиликларга қарамай, иш билан бандлик даражасини асосан сақланиб қолиши (соғлиқни сақлаш, таълим);

- жамият учун ниҳоятда зарур соҳаларда (уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар) иш билан бандликнинг кенгайиши сабабли ходимлар сонининг кўпайиши.

Меҳнат ресурслари ўсиши иш ўринлари ўсишидан доимо ва ҳамма жойда олдинда бораётган Ўзбекистон шароитида аҳолини иш билан таъминлаш ҳамма вақт кескин ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан шларни иш билан таъминлаш муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири бўлиб қолади. Ўзбекистон вилоятларидаги шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги аҳоли бандлигида ҳудудий фарқлар мавжуд. Бундай фарқлар албатта вилоятларнинг республика халқ хўжалигида тутган ўрнига, иқтисодиёт таркибига боғлиқ. 6-жадвалда жами банд аҳолининг шаҳар ва қишлоқдаги бандлик даражаси келтирилган.

5-жадвал

Жами банд аҳолининг шаҳар ва қишлоқдаги бандлик даражаси, фоиз

	1995 йил			2007 йил		
	жами	шаҳар	қишлоқ	жами	шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон	100,0	44,6	55,4	100,0	49,1	50,9
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	48,5	51,5	100,0	52,6	47,4
Андижон вилояти	100,0	44,9	55,1	100,0	49,5	50,5
Бухоро вилояти	100,0	39,5	60,5	100,0	41,2	58,8
Жиззах вилояти	100,0	31,5	68,5	100,0	38,1	61,9
Қашқадарё вилояти	100,0	23,7	76,3	100,0	29,7	70,1
Навоий вилояти	100,0	59,7	40,3	100,0	64,1	35,9
Наманган вилояти	100,0	27,1	72,9	100,0	38,3	61,7

Самарқанд вилояти	100,0	38,9	61,1	100,0	42,2	57,8
Сурхондарё вилояти	100,0	24,6	75,4	100,0	32,1	67,9
Сирдарё вилояти	100,0	38,6	61,4	100,0	45,0	55,0
Тошкент вилояти	100,0	45,6	54,4	100,0	49,4	50,6
Фарғона вилояти	100,0	38,8	61,2	100,0	43,2	56,8
Хоразм вилояти	100,0	40,6	59,4	100,0	47,6	52,4
Тошкент шаҳри	100,0	100	-	100,0	100	-

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича тузилган

Жадвалдан кўриниб турибдики, Навоий вилояти шаҳарларида бандлик даражаси юқори. Қишлоқ жойларда эса бандлик урбанизация даражаси энг паст бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқори. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, аҳоли бандлигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудлар бўйлаб жойлашуви ўз аксини топган.

Аҳолининг иш фаолияти ва мулкчилик турлари бўйича бандлигига, таҳлил қилинган давр ичида қуйидаги омиллар таъсир қилган:

- иқтисодиёт таркибининг ўзгариши;
- хусусийлаштириш;
- корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши;
- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий ташкил қилиниши;
- демографик вазият;
- аҳолининг номоддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги бандлиги қуйидагилардан иборат бўлди;
- илм-фан, фанга хизмат кўрсатиш соҳалари, маориф ва санъат соҳаларида, молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги туфайли бандлик бирозгина кўтарилди;
- соғлиқни сақлаш, маорифда эса бандлик даражаси молиявий қийинчиликларига қарамадан ўз ҳолида сақлаб қолинди.

Мулкчиликнинг аниқ турлари бўйича аҳоли бандлигининг қайта тақсимланиши шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат секторидаги кўпгина корхоналар ўзининг рақобатбардошлигини сақлаб қолмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида хусусий тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга имкониятлар яратилади, бунинг натижасида аҳоли бандлигининг янги шакллари ва турлари пайдо бўлади ва ривожланади.

Жумладан, мустақиллик йилларида маҳаллий тадбиркорларнинг чет мамлакатларга меҳнат сафарлари кенгаймоқда. Айниқса, Ўзбекистонда кўшма фирмалари ва корхоналари бўлган хорижий мамлакатларга бундай сафарлар кўпроқ уюштирилмоқда.

Ўзбекистондаги йирик кўшма корхоналарнинг ёш ишчилари малакаларини ошириш зарур мутахассисликни эгаллаб олиш учун Жанубий Корея, Туркия, Германияга ўқишга ва ишга юборилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг барқарорлашган миграция тури - бу жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германияларнинг нуфузли олий ўқув юртларида ва коллежларида билим олиш учун ўқишга кетаётган ёшлардир. Ушбу миграция ҳукуматимиз томонидан кадрлар тайёрлашнинг махсус ишланган миллий дастури асосида амалга оширилмоқда.

Иқтидорли ёшларни хориждаги ривожланган мамлакатларда ўқитиш учун Ўзбекистонда махсус «Умид» жамғармаси тузилган. Ушбу жамғарма орқали ҳар йили иқтидорли ёшлар танлаб олиниб, чет мамлакатларга ўқишга юборилади. Уларнинг асосий кўпчилигини ўзбек миллатига мансуб ўғил ва қизлар ташкил қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин аҳолининг хорижий мамлакатларга қисқа муддатли меҳнат сафарга бориши пайдо бўлди. У давлат миқёсида 1995 йилдан бошлаб республика Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилмоқда.

Кейинги 12 йилда (1995-2006 йиллар) республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб келиш учун хорижий мамлакатларга 189 минг одам жўнатилди. Жанубий Кореяга 5 йилда 29,5 минг одам жўнаб кетди. Унча кўп бўлмаган ишчи мигрантлар вақтинча ишлаш учун АҚШга, Малайзияга, Бирлашган Араб Амирлигига (БАА) жўнатилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан хорижда ишлаб келишга жўнатилганларнинг асосий кўпчилигини ўзбеклар (82%), корейслар (15%) ташкил этади. Чет мамлакатларга шахсий билим асосида жўнатилганларнинг ярмидан кўпи ўзбеклар, қолган қисми бошқа миллатлар, руслар, украинлар, яҳудийлар ва татарлар ҳиссага тўғри келади.

7-жадвал

Хорижий мамлакатларга ишга жўнатилган Ўзбекистон фуқаролари ҳақида
маълумотлар

№	Мамлакатлар номи	2000	2001	2002	2003	2004	2007
1	Корея Республикаси	882	1035	413	896	1328	537
2	АҚШ			17	39		49
3	Малайзия				50		50
	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан (жами)	882	1035	430	985	1328	624
4	Ботсвана			1			
5	Буюк Британия		1				
6	Эрон			2			
7	Франция		1		1	1	1
8	Италия				2		2
9	Хитой Халқ			1			

	Республикаси						
10	БАА		9	3	1		48
11	Туркия		3		1	1	7
12	Афғонистон		9				23
13	Малайзия			1	1		1
14	АҚШ			1			
	Хусусий битим (жами)		23	9	9	2	148
	Жами	882	1058	1330	439	994	772

Ўзбекистонликларнинг чет мамлакатларда иш билан бандлигининг анча ривожланган шакли бу моккисимон бизнес бўлиб, у асосан шахсий меҳнат фаолияти асосида амалга оширилмоқда. Бандликнинг ушбу тури ўзбек халқи табиатида азалдан бўлган, чунки ўзбек халқи қадим Буюк ипак йўлининг энг асосий йўллари кесишган жойда жойлашган бўлиб, қадим-қадимдан майда савдо бизнеси билан шуғулланиб келган. Шунинг учун ҳам бундай имконият туғилиши билан маҳаллий аҳоли тадбиркорликнинг ушбу турини кўпроқ танлайди ва 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб у тадбиркорликнинг бошқа турларига қараганда бирмунча кенгроқ тарқала бошлади.

Лекин, кейинги йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида моккисимон савдо бироз камайганлиги кузатилмоқда. Лекин шунга қарамасдан кейинги ўн йилликда тадбиркорликнинг ушбу тури республика аҳолисининг чет элдаги бандлигида аҳоли ўртасида энг кўп тарқалган тури бўлиб қолмоқда.

Моккисимон бизнесни чуқурроқ ўрганиш мақсадида, қисқа муддатли чет эл сафарида бўлган моккисимон мигрантлар ўртасида социологик сўров - тадқиқот ўтказилди. Сўровда қатнашган респондентларнинг миллий таркиби ҳар хил бўлиб, уларнинг 67,4 фоизи ўзбеклар, 6,5 фоизи тожиклар, 8,2 фоизи руслар, 2,4 фоизи қozoқлар, 5,7 фоизи татарлар, 0,2 фоизи қирғизлар, 0,8 фоизи уйғурлардир. Тадқиқотдан шу нарса маълум бўлдики, моккисимон

меҳнат миграциясида асосан аҳолининг катта ёшдаги гуруҳлари қатнашар экан. Сўровда қатнашганларнинг 60,9 фоизини 31-50 ёшдагилар ташкил қилган.

8-жадвал

Моккисимон меҳнат мигрантларининг ёш таркиби

Ёш	Киши	фоиз
20-25	15	12,2
26-30	19	15,5
31-40	41	33,3
41-50	34	27,6
51-60	14	11,4
Жами	123	100,0

Шуни қайд қилиш керакки, моккисимон бизнесда, аёллар жуда фаол иштирок этадилар, чунки, сўровда қатнашганларнинг 53,1 фоизини аёллар, 46,9 фоизини эркаклар ташкил қилган. Сўровда қатнашганларнинг 70,7 фоизи оилали бўлиб, уларнинг 82,1 фоизи болали. Бўйдоқлар ва фарзандлари бўлмаганлар эса -15,4 фоиз ва 17,9 фоизни ташкил қилган. Айтиш жоизки, респондентларнинг иккитасидан биттаси кўп болали бўлиб, 3-4 та фарзандли, 43,2 фоиз. Қолганлари эса 5-6 фарзандли бўлиб, улар 6,3 фоизни ташкил этади. Сўров натижалари моккисимон бизнес билан асосан ўрта маълумотлилар шуғулланишидан далолат беради (43,9%).

Респондентларнинг асосий қисми ҳозирги ижтимоий ҳолатларга кўра ўзларини тадбиркорлар деб атайди (27,1%). Ушбу тоифадаги кишилар давлат корхоналаридаги хизматчилар, мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари бўлган. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан, уларнинг турмуш даражалари анча пасайиб қолган.

9-жадвал

Моккисимон мигрантларнинг билим даражаси

Маълумоти	Киши	Жамига нисбатан фоизда
Тўлиқсиз урта	3	2,4
Ўрта	28	22,8
Ўрта умумий	34	27,6
Ўрта махсус	4	3,3
Олий	54	43,9
Жами	123	100,0

Сўровда қатнашганларнинг 25,2 фоизи уй бекалари, 15,4 фоизи ишсизлар, 3,3 фоизи олий ўқув юртлари, коллеж ўқитувчилари, 3,3 фоизи пенсионерлар. Савдо ходимлари 14,6 фоизни ташкил этади. Респондентларнинг асосий кўпчилиги моккисимон бизнес билан 1994-1996 йилларда (38,2%) ва 1997-2007 йилларда (31,2%), бир қисми 1991-1993 йилларда (21,1%) шуғулланишган. Моккисимон савдо сафари асосан Туркия, БААга бўлган. Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар каторига Эрон ва Хитой ҳам қўшилди (10-жадвал).

Моккисимон мигрантларнинг Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Туркияга кўпроқ боришларининг асосий сабаби – мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорлиги ривожлана бошлаганидир. Бу эса ўз навбатида савдо алоқаларининг кучайишига, шу жумладан, унинг моккисимон шаклининг кенгайишига олиб келди. Шунини таъкидлаш керакки, сўровда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғи МДХ давлатларига, шу жумладан (Россияга – 21,1 фоиз, Қозоғистонга – 22,7 фоиз, Қирғизистонга – 7,3%) бориб келишар экан.

Моккисимон мигрантлар, чет мамлакатларга асосан кийим-кечак, турли хил матолар (газламалар), пойабзаллар (54,4%), кундалик зарур уй рўзғор

буюмлари ва истеъмол моллари (30,9%), автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари (13,0%) ва қурилиш материаллари (11,4%) олиб келиш учун боради.

Сўровдан шу нарсани аниқландики, моққисимон бизнесменларнинг хорижий мамлакатларга бориб - келиш тезлиги жуда ҳам юқори. Сўралганларнинг асосий кўпчилиги ўзларининг қисқа муддатли сафарларини йилига 5-6 марта амалга оширади (26,8%), 6 марта ва ундан кўп бориб келадиганлар 21,1 фоизни, ойда бир марта бориб келадиганлар эса 10,6 фоизни ташкил этади.

Респондентларнинг фикри мулоҳазаларига кўра, Ўзбекистонда ҳозирги кундаги тебранич меҳнат миграцияси катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Респондентлар «Ўзбекистонда ҳозирги кунда моққисимон бизнес учун шарт-шароит мавжудми?» деган саволга қуйидагича жавоб беришган: Умуман ҳеч қандай шароит йўқ - 39,0 фоиз, фақат айрим шароитлар яратилган - 30,1 фоиз, қийинчиликлар мавжуд - 26,8 фоиз. Респондентларнинг фақат 4,1 фоизи шароит яратилган деб жавоб берган.

Шунинг учун ҳам моққисимон бизнесменларнинг хорижий мамлакатларга бориб- келиш тезлиги камайиши тенденциялари табиий ва мантиқий бир ҳолдир. Респондентларнинг таъкидлашича, ҳали мамлакатимизда моққисимон бизнес учун шароит яратилмаган. Боз устига, ҳозиргача яратилган шароитлар ҳам йилан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Шунинг учун моққисимон бизнесменларнинг асосий кўпчилиги ўз бизнесларини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Респондентларнинг баҳолашларига кўра моққисимон бизнеснинг ривожланишига қуйидаги омиллар тўсқинлик қилмоқда:

- инфляциянинг доимий равишда ўсиб бориши – 54,4 фоиз
- божхона тарифининг (тўловининг) юқорилиги – 45,5 фоиз
- фойдадан жуда катта солиқ олиниши – 34,1 фоиз
- олиб келинган товарларни (молларни) сотиш учун сервис имкониятларининг йўқлиги – 13,0 фоиз

- порахўрлик – 3,2 фоиз

-миллий валютани конвертация қилиш имкониятининг йўқлиги – 4,9 фоиз.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий валютани конвертация қилиш ва валюта курсини эркинлаштириш учун янги қадамлар қўйилди. Аҳоли кўп тўпланадиган жойларда алмаштириш шохобчалари очилди, валюта алмаштириш ва валюта операциялари очиқ, эркин ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу ўз навбатида моккисимон бизнес учун қулай шароит яратилишига олиб келиши керак эди. Аммо валюта алмаштириш курси жуда юқори этиб тайинланади. Бу эса ўз навбатида келажакда моккисимон бизнесни ривожлантириш учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, моккисимон бизнес ҳозирги кунда Ўзбекистонда вужудга келган шароитда жуда катта қийинчиликларга дуч келмоқда, бу эса келажакда унинг ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин. Бунга респондентларнинг қуйидаги саволларга жавоблари мисол бўла олади. «Сиз келажакда моккисимон бизнес билан шуғулланасизми?» деган саволга жавоблар қуйидаги бўлди.

-«Ҳа, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан шуғулланавераман» - 22,8 фоиз.

- «Ҳа, шуғулланаман, агар бизларга туғдирилаётган қийинчиликлар давлат томонидан бартараф этилса» - 39,8 фоиз,

- Йўқ, бундай бизнес билан шуғулланмайман, чунки Ўзбекистонда бизлар учун шароит йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. – 13,8 фоиз, респондентларнинг – 23,6 фоизи эса жавоб беришга қийналди.

Шундай қилиб респондентларнинг учдан бир қисмидан камроқ қисмигина бизнеснинг ушбу тури билан шуғулланиш истаклари борлигини билдирган.

Агар ҳар бир тўртинчи респондентнинг жавоб беришга қийналаман, деганини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда маҳаллий туб аҳоли бандлиги ушбу

шаклининг келажакдаги ҳолати жуда ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда. Демак, ҳаммаси тадбиркорликнинг ушбу соҳасининг аниқ эркинлаштирилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ёшларимизнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига, ўқишга бориши, тадбиркорлик ёки ишлашга юориши учун баъзи бир шароитлар яратилди.

Маълумки, Ўзбекистонда аввалги ўн йилликларда туғилиш даражасининг юқори бўлганлиги туфайли ҳозирги кунда меҳнат заҳиралари жуда юқори, уларнинг хорижий мамлакатларга бундай сафарлари, ёшларимизнинг бандлик даражаси ва айниқса уларнинг ҳудудий ва социал ҳаракатчанликларининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу жараёни янада чуқурроқ ва ҳар тарафлама ўрганиш учун бизлар хорижий мамлакатларда вақтинчалик сафарларда бўлган талабалар ўртасида социологик тадқиқот ўтказдик.

Ушбу ўтказилган савол-жавобнинг баъзи бир натижаларига тўхталиб ўтамиз.

Респондентларнинг ёш таркиби: 20 – ёшгача – 37,3 фоиз, 20-24 ёшгача – 25,4 фоиз, 25 ёш ва ундак катта ёшдагилар – 15,3 фоиз.

Респондентларнинг жинсий таркиби: йигитлар – 53,4 фоиз, қизлар – 46,6 фоиз.

Респондентларнинг миллий таркиби: ўзбеклар – 57,6 фоиз, славянлар – 22,0 фоиз, бошқа миллат вакиллари – 20,4 фоиз.

Респондентларнинг билим даражаси: ўрта – 20,4 фоиз, ўрта махсус – 4,2 фоиз, тугалланмаган олий – 43,2 фоиз ва олий – 32,2 фоиз.

Сўровда қатнашганларнинг 24,6 фоизини 1-2 босқич талабалари ва 32,0 фоизини магистрлар ташкил қилди.

11-жадвал

Респондентларнинг миграция мақсадлари ва уларнинг ёш ва жинсий таркиби

	Эркаклар		Аёллар		20 ёшгача		20-24 ёш		25-29 ёш		Жами	
	киш и	%	киш и	%	киш и	%	киш и	%	киш и	%	киш и	%
Ўқиш, стажерлик	34	54,0	34	61,8	29	52,7	26	57,8	72,2	72,2	68	57,6
Савдо- сотик, бизнес	13	20,6	1	1,8	5	11,1	7	15,5	11,1	11,1	14	11,9
Иш	5	7,9	5	9,1	5	11,8	3	6,7	11,1	11,1	10	8,5
Бошқа	11	17,5	15	27,3	16	29,1	9	20,0	5,6	5,6	26	22,0
Жами	63	63,4	55	46,6	55	46,6	45	38,1	15,3	15,3	118	100, 0

Сўровда қатнашган талабаларнинг кўпчилиги (57,6%) чет мамлакатларга ўқиш ва стижировка мақсадида, савдо – сотик ва бизнес мақсадида 11,9 фоизи, ишлаш учун – 8,5 фоизи ва бошқа мақсадларда– 22,0 фоизи боришган. Савдо-сотик ишлари билан чет эл сафарларида кўпроқ ёш йигитлар бўлган (20,6%), улар қизларга қараганда 1,8 фоиз кўп. Чет эл сафарларида қатнашган йигит-қизларнинг ёши ва бошқа к кўрсаткичларида, айтарли фарқ йўқ.

Айтиш жоизки, талабаларнинг чет элларга миграцияси асосан қисқа муддатли бўлган. Хорижий миграцияда қатнашганлар муддатлари: 1 ойгача – 28,8 фоизни, 1 ойдан 3 ойгача – 18,6 фоизни, 3 ойдан 6 ойгача – 17,0 фоизни, 6 ойдан 12 ойгача – 17,8 фоизни, 1 йилдан ошганлари – 17,8 фоизни ташкил қилади. Таъкидлаш керакки, хорижий сафарда бир йил ва ундан кўпроқ бўлганларнинг асосий кўпчилигини ўзбеклар (25,0%), славян халқлари (7,6%)

бошқа миллатлар вакиллари (8,3%) ташкил этади. Ўзбекларнинг асосий кўпчилигини йигитлар ташкил қилишган.²

Сўровда қатнашган ҳар 4 талабанинг бири чет эл миграциясида кейинги бир ярим йил ичида (2000 й.) ва 2001 йил 1-ярмида (26,3%) қатнашган. Бу кўрсаткич шундан далолат берадики, талаба ёшларнинг хорижга вақтинчалик миграциясининг жадаллиги йилдан-йилга ва айниқса охириги йилларда ошиб бормоқда. Айниқса хорижий миграцияда қизларнинг салмоғи аввалги йилларга қараганда (30,9%), йигитларники эса 22,2 фоизга ортган. Буни қуйидаги жадвалда кўра булади.

12-жадвал

Респондентлар миграциясининг йиллар бўйича тақсимланиши

Йиллар	Эркаклар		Аёллар		20 ёшгача		20-24 ёшлар		25-29 ёш		Жами	
	киши	фоиз	киш	фоиз	киши	фоиз	киш	фоиз	киш	фоиз	киш	фоиз
1990-1995	13	20,6	14	25,5	18	32,7	7	15,6	2	11,1	27	22,9
1995-2000	36	57,2	24	43,6	29	52,7	20	44,4	11	61,1	60	50,8
2000-2005	14	22,2	17	30,9	8	14,6	18	40,0	5	27,8	31	26,3
Жами	63	53,4	55	46,6	44	37,3	30	25,4	8	15,3	118	100

Социологик тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири талабаларнинг келгусидаги хорижий миграцияга мойилликларини аниқлашдан иборат эди. Шу мақсадда уларга қуйидаги махсус саволлар берилди. «Сиз яна хорижий

² Социологик тадқиқот 2005 йил май ойида Тошкент шаҳри олий ўқув юртларида ўтказилган. Сўровда хорижий миграцияда қатнашган жами 118 та талаба қатнашган.

мамлакатларга ўқиш ва ишлашга боришни хоҳлармидингиз?» Ушбу саволга талабаларнинг асосий кўпчилиги (82,2%) ижобий (ха), 9,3 фоизи эса салбий жавоб берди. 8,5 фоизи эса жавоб беришга қийналди. Шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, талаба ёшларнинг хорижий миграцияга мойиллиги кучлилиги кузатилмоқда.

Сўралганларнинг ярмидан кўпи (50,8%) бошқа мамлакатларга яна қайта ўқиш ёки ишлашга бориш учун реал имкониятга эга эканликларини, 27,1 фоизи эса бундай имкониятларга эга эмаслигини қайд этган. 22,0 фоизи ушбу саволга жавоб беришга қийналган. Хорижий мамлакатларга боришдаги имкониятлар бўйича демографик кўрсаткичларда фарқ кузатилмайди. Бундай фарқ фақат жинсий таркибда кузатилади. Йигитлар анча фаол ва келажакка ишонч билан қарайди - 60,0 фоиз, қизлар эса 40,0 фоизни ташкил қилади.

Талабаларнинг хорижга вақтинчалик сафарларини, баъзан уларнинг доимий миграцияга тайёргарлик кўриши сифатида қараш мумкин. Шу нуқтаи назардан уларга «Сизнинг келажакда Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга бутунлай кетиш ниятингиз борми?» деган савол билан муносабат қилинди. Ушбу саволга талабаларнинг 13,6 фоизи ижобий жавоб берган. «Ниятим йўқ» деб эса талабаларнинг 62,7 фоизи, айтишга қийналаман деб 23,7 фоизи жавоб берганлар. Саволда қатнашган ўзбекларнинг 75,0 фоизи, славянларга мансуб респондентларнинг 50,0 фоизи, бошқа миллат вакиллари 41,7 фоизи Ўзбекистондан ҳеч қаерга кетишмасликларини билдиришган.

Ўзбекистондан хорижга кетишни хоҳловчилар асосан қуйидаги мамлакатларни кўрсатишган: Буюк Британияга – 38,3 фоиз, Германияга – 35,0 фоиз, Кореяга - 30,0 фоиз, Россияга – 26,7 фоиз, АҚШга – 16,7 фоиз. Шундай қилиб, социологик тадқиқот натижалари, Ўзбекистон ёшларининг хорижий мамлакатларга вақтинчалик бориб-келиш тенденцияси кўпайиб бориши ва келажакда уларнинг доимий миграцияга бўлган мойиллиги кучайиб боришини кўрсатди.

Мамлакатимизда юқори меҳнат салоҳиятига эга бўлган ёшлардан, ҳамда бутун мамлакат аҳолисининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун ушбу йўналиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш, уларнинг қонуний негизини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш тизимларини ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида кўриб чиқилган хорижий мамлакатлардаги вақтинчалик аҳоли бандлиги, асосан очик ҳолда қонуний йўл билан амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон аҳолисининг маълум бир қисми, Ўзбекистоннинг давлат органлари билан ҳеч қандай келишувсиз ва шартномасиз, яширин тарзда хорижий мамлакатлардаги чет эл фирмаларида ишламоқдалар. «Нолегаллар» хорижий мамлакатларга кўпчилик ҳолларда меҳмон бўлиб ёки шахсий таклифлар асосида, сайёҳ сифатида борадилар. Сайёҳлик муддати тугагандан кейин эса, ўша ердан иш топиб ноқонуний асосда ўша мамлакатда ишлашга қолмоқда. Афсуски, республикамиз аҳолисининг хорижий мамлакатлардаги бундай бандлик хажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. «Нолегаллар» асосан АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея ва Грецияга шундай яширин йўл билан ишга кетмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистондан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига ишлаб келиш мақсадидаги миграция тури кучаймоқда. Бундай миграция асосан Россияга қаратилган, чунки, бу ерда ҳозирги пайтда аҳолининг кам туғилиши натижасида ишчи кучи етишмовчилиги кузатилмоқда. Масалан, Россияга ҳозирги кунда асосан юқори малакали курувчилар ва ишчилар бригада бўлиб кетишмоқда. Шу билан бир қаторда Россияга жуда кўплаб нолегал равишда (яширинча) малакаси бўлмаган «қора ишчилар» ҳам кетишмоқда, улар у ерда жуда паст нархда бўлса ҳам, турли - туман ишларни бажараверадилар.

Уларни, Россиянинг шаҳар ва қишлоқдаги хусусий фирмалар ва давлат ташкилотлари ишга таклиф қиладилар (ёллайдилар). Ўзбекистонда ҳозирги кунда, кенг тарқалаётган нолегал бандликнинг янги бир тури - бу

вақтинчалик ишга ёлланиб ишлашдир. Бундай ишчилар ишга «қора меҳнат» биржасида ёлланадилар. Бундай меҳнат биржалари республикамизнинг деярли ҳамма шаҳарларида мавжуд.

Иқтисод фанлари доктори Л.П.Максакова Тошкент, Қўқон, Фарғона, Риштон шаҳарларида, «қора меҳнат» бозорида қатнашган одамлар билан мақсадли социологик тадқиқот олиб борган. Унинг маълумотига кўра 1997-1998 йилларда шундай меҳнат бозорларидан республикада ишлаётган одамларнинг 2,0 фоизи иш билан таъминланган. Тошкентда ва вилоят марказларида ушбу кўрсаткич янада юқорироқдир.³

«Қора меҳнат» бозоридагиларнинг асосий қисми, шаҳарларга қишлоқдан келган одамлардир. Улар шаҳарлардаги меҳнат бозоридан ўзларига вақтинчалик иш топадилар. «Қора меҳнат» бозорида қурувчилар, сувоқчилар анча қадрланадилар. Уларни асосан уй қуриш, гараж ва дала ҳовлиларидаги қурилиш ишларида, бошқа тоифаларини эса машиналарга юк ортиш ва тушуриш каби ишларга ёллайдилар. Шунини таъкидлаш керакки, бундай вақтинчалик ишчиларни нафақат хусусий одамларгина эмас, балки корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам ёллайдилар. Улар қишлоқ хўжалигидаги вақтинчалик ишларга ҳам жалб қилинади. Масалан, мевалар ва сабзавот экинлари қийғос пишган пайтда уларни ер эгалари ёки ширкат ва фермер хўжалигининг вакиллари ҳосилни йиғиб олишга ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига маълум бир келишилган муддатга ёллайдилар.⁴

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги шаклларида бири нодавлат нотижорат ташкилотларидаги бандлик ҳамда ана шундай ташкилотлар ёрдамида ушбу бандликни таъминлаш ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимизнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини иш билан таъминлашда жуда катта роль ўйнамоқда. Ушбу ташкилотлар кадрларни касбий

³ Людмила Максакова. Сельские мигранты на рамках труда Городов Узбекистана. Узбекистан, миграция из сел в города в условиях трансформирующегося рынка труда. Москва – 1999, стр. 15.

⁴ Людмила Максакова. Сельские мигранты на рамках труда Городов Узбекистана. Узбекистан, миграция из сел в города в условиях трансформирующегося рынка труда. Москва – 1999, стр. 16.

тайёрлашда ва уларни қайта тайёрлашда, компьютер техникасини ўргатишда фаол иштирок этиб, ёшларни, ногиронларни, аёлларни, кам таъминланганларни иш билан таъминламоқда. Айниқса ишни энди бошлаётган тадбиркорларга турли хил маслахатлар бериб, уларни ишларни бошлашга даъват этмоқда ва шу билан бир қаторда янги иш жойларининг очилишига сабабчи булмоқда.

Кейинги тўрт йил ичида мамлакатдаги 165 та нодавлат нотижорат ташкилоти 117,2 минг кишини иш билан таъминлади. Уларнинг 41,2 минги (35,2%) бевосита нодавлат ва нотижорат ташкилотлари орқали, 76,0 фоиз минги (64,8%) эса ушбу ташкилотларнинг воситачилиги орқали ишга жойлаштирилди. Демак, битта нодавлат ва нотижорат ташкилоти 710 та одамни иш билан таъминлаган. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги аҳоли бандлигининг янги тури, республика меҳнат бозорида ва хорижий мамлакатларда ўз ўрнини топмоқда.

2.3. Поп туман аҳолисининг ҳудудий жойлашишини такомиллаштириш

Аҳоли – иқтисодий географиянинг ўрганиш объекти бўлиб, кўп жиҳатдан унинг ижтимоийлигини белгилайди. Шунинг учун аҳоли барча ижтимоий соҳаларнинг ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилади. Аҳолининг яъни кишиларнинг табиий шароитдан қай даражада фойдаланиши унинг тарқалиши ва жойлашиши белгилаб беради. Ҳудуднинг табиий географик шароити ва ресурслари билан таъминланганлиги аҳолини жойлашишига ўз таъсирини кўрсатиб келган. Ҳудуднинг ресурслар билан қай даражада таъминланганлигини шу ҳудуд аҳолисининг миқдорини белгиловчи омил сифатида қараш мумкин.

Поп тумани аҳолиси сони жиҳатдан Наманган вилоятида салмоқли ўрин эгаллайди. Туманда аҳоли тез суратлар билан ўсмоқда, унинг ҳудудий жойлашиши жуда нотекисдир. Туманда 2010 йил маълумотларга кўра аҳоли сони 190871 кишини, жумладан шаҳар ва шаҳарчалар аҳолиси 23,1 %, қишлоқ аҳолиси 76,9% ни ташкил этади. Туман аҳолисининг ўсиши билан бирга унинг зичлиги ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда ҳар бир кв.км майдонга ўртача 65,0 кишига тўғри келмоқда. Туманнинг Уйғур, Пахтаобод, Тошматов, Янги ҳаёт қишлоқларида ҳар бир кв.км га 350–750 кишини ташкил этмоқда. Чодак, Умурзақов, Маданият, Пунгон каби қишлоқларда эса аҳоли зичлиги 25-100 кишига тўғри келмоқда. Аҳоли зичлиги ўртасида шундай тафовутлар мавжуд.

Аҳолининг асосий қисмини суғориладиган ерларда ва Сирдарёга яқин ҳудудларда жойлашган. Унинг ўсишига табиий ва миграцион кўпайиш жараёнлари асосий сабаб бўлмоқда. Табиий ўсишнинг мутлоқ кўрсаткичлари 2010 йил маълумотларига кўра аҳолининг ҳар минг киши ҳисобига туғилганлар сони 4206 кишини, ўлганлар сони 877 кишини, табиий кўпайиш 3329 минг кишини ташкил этмоқда.

Поп кўп миллатили туман бўлиб, Поп тумани статистика бошқармаси маълумотларга кўра у ерда 27 миллат вакиллари яшайди. Туманнинг туб аҳолиси эса ўзбеклардир. Ўзбеклар 160671 кишини (85,4%) ташкил этгани ҳолда, тожик миллати вакиллари сони жиҳатидан иккинчи миллат бўлиб турибди. Улар сони 25691 кишини (13,6%), рус миллати вакиллари 497 кишини (0,3%) ва бошқа миллат вакиллари 1131 кишини (0,7%) ташкил қилади.

Туман аҳолисининг жинсий таркибида ҳам тафовутлар мавжуд. Аҳолининг таркибида эркекларнинг улуши 48,8 фоизни ва 51,2 фоизни аёллар ташкил этмоқда. Ёш таркибини ижтимоий ҳолатига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1- гуруҳ меҳнат ёшигача бўлган аҳоли;
- 2- гуруҳ меҳнат ёшидаги аҳоли;
- 3- гуруҳ меҳнат ёшидан ўтган аҳоли.

Туманда меҳнатга яроқли аҳоли сони 94,0 минг кишини, меҳнатда банд бўлган аҳоли сони 56,0 минг кишини, ишсизлар эса 182 нафарни ташкил этади. Яратилган иш ўринлар сони 2655 та. Туманда нафақа ёшидагилар 18,0 минг кишини ташкил этиб, уларга бир ойда тўланадиган нафақа миқдори 1 млрд сўмни, бир ойда тўланадиган нафақа сони 200 минг сўмни ташкил этмоқда. Умуман олганда меҳнат ресурслари етарлидир. Аммо аҳоли сонининг тезлик билан ўсиб бораётганлиги натижасида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳам келиб чиқмоқда. Бу эса иш ўринлари сонини оширишни талаб этади.

Буганги кунда туманда йирик саноат корхоналари сони 6 та, давлат рўйхатидан ўтган кичик корхоналар ва ташкилотлар сони 2351 тани, шундан кичик бизнес субъектлари 2069 та ни ташкил этмоқда. Мавжуд корхоналар янада ривожлантириш ва янги корхоналар ташкил этиш ҳамда касаначиликка ихтисослашган кичик турдаги корхоналар ташкил этиш аҳолини иш билан таъминлашга омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда туманда 10 та Қишлоқ фуқоролар йиғинлари (ҚФЙ), 5 та Шаҳар фуқоролар йиғинлари (ШФЙ) ва 77 та Маҳалла фуқоролар йиғинлари (МФЙ) мавжуд. Бироқ уларда аҳолини жуда нотекис жойлашганлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун туманда аҳолини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- аҳоли тез ўсиб бораётган Уйғур, Тошматов, Пахтаобод аҳоли пунктларини ҳудудий ривожланишини такомиллаштириш ҳамда улардаги мавжуд меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга тўла жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлари паст даражада ривожланган Чодак, Уйғур, Маданият, Найман, Тошматов каби аҳоли пунктларида маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлайдиган кичик саноат корхоналари ва уларга хизмат қилувчи тармоқларини ривожлантириш;

- хўжалик комплексни такомиллаштириш учун аввало қишлоқ хўжалиги билан саноат ишлаб чиқаришни уйғунлашган ҳолда ривожлантириш;

- чорвачиликка иқтисослашган Чодак, Чаркесар давлат хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар (гилам, пойпок, ип-газлама тўқиш каби корхоналар, асал йиғиш цехлари) барпо этиш;

- боғдорчилик ривожланган адир ва тоғ олди минтақаларида мева қуриштиш, уни қадоқлаш, полиз маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар қуриш, шоли янчиш, ғалла экинларининг бошқа турларидан омукта ем тайёрлаш ишларни йўлга қўйиш туманда аҳолини ҳудудий жойлашишини такомиллаштириш билан бирга уни иш билан бандлигини талаб даражасига чиқаришга ёрдам беради.

Туман аҳолисини қишлоқ ва шаҳарча фуқоро йиғинлари бўйича жойлашуви

№	ҚФЙ ва ШФЙ номлари	Майдони Кв.км	01.01.2008		01.01.2009	
			Аҳоли сони	Улуши %	Аҳоли сони	Улуши %
1	Поп шаҳри	28,6	24534	13,5	25304	13,5
2	Поп ҚФЙ	32,7	4547	2,5	4689	2,5
3	Янги ҳаёт ҚФЙ	30,8	11437	6,3	11829	6,3
4	Чодак ҚФЙ	1064	25004	13,7	25965	13,8
5	Тошматов ҚФЙ	24,1	10629	8,8	16693	8,9
6	Умурзоқов ҚФЙ	260,8	26850	14,7	27746	14,7
7	Уйғур ҚФЙ	23,1	17336	9,5	17580	9,3
8	Найман ҚФЙ	71,5	18216	10,0	18775	10,0
9	Пахтаобод ҚФЙ	13	7444	4,1	7556	4,0
10	Маданият ҚФЙ	425	9305	5,1	9787	5,2
11	Пунгон ҚФЙ	54	3991	2,2	4126	2,2
12	Халқобод ШФЙ	5	8763	4,8	8812	4,7
13	Олтинкон ШФЙ	3,3	3644	1,9	3775	2,0
14	Уйғурсой ШФЙ	6,5	1452	0,8	1483	0,8
15	Чоркесар ШФЙ	0,7	1766	1,0	1865	1,0
16	Навбахор ШФЙ	8,8	2033	1,1	2005	1,1
			182351	100	187990	100

2008-2009 йиллар муълумотларига кўра туманда жами 16 та фуқоролар йиғини бўлиб уларнинг 5 таси ШФЙдир. Қолган 11 таси ҚФЙ бўлиб, улардаги жами аҳоли сони 144746 кишини ташкил этади. ШФЙда 17940 киши рўйхатдан ўтказилган. ШФЙ ва ҚФЙларнинг улуш кўрсаткичларига кўра нисбат 11 фоиз ШФЙ га 89 фоиз ҚФЙ хиссасига тўғри келади.

Поп туман аҳолисининг ёш таркиби ҳам ўзига хос бўлиб, ижтимоий ҳолатига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1-мехнат ёшигача булган гурух. Бу гурух жами аҳолининг 34-35%ини ташкил қилади.

2-мехнат ёшидаги гурух. Аҳолининг 45-46%ини ташкил қилади.

3-мехнат ёшидан ўтган гурух. Аҳолининг 13-15%ини ташкил қилади.

Бу кўрсаткичларни таҳлил қилсак, Поп туманининг барча қишлоқлари учун меҳнат ресурслари бир хил эмаслигини кўриш мумкин. Жумладан Поп туманининг Чодак, Чоркесар, Уйғур, ғурумсарой каби қишлоқларида аҳолининг таркибида кексалар салмоғи бирмунча кўпдир. Янги ўзлаштирилган Ҳақулбод, Уйғурсой, Найман, Навбахор каби аҳоли пунктларида аҳолисининг таркибида ёшларнинг салмоғи нисбатан кўпроқдир. Поп туман аҳолисининг 49,1 %ини эркаклар, 50,9 %ини аёллар ташкил қилади. Аҳолининг жинсий таркибига кўра Ҳақулбод, Уйғурсой қишлоқларида хотин-қизлар салмоғи юқорироқ эканлиги Поп ва Ғолиблар шаҳарчасида эса эркаклар салмоғи юқорироқ эканлигини кўриш мумкин.

2.4. Поп туманида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатлари

Поп туманида қишлоқ хўжалигида маҳаллий иқлим, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўпланган деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизида пахтачилик етакчи тармоқ сифатида шаклланди. Ғаллачилик, шоликорлик, мева ва токчилик, полиз ва сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, парранда, асаларичилик, пиллачилик соҳалари ҳам қишлоқ хўжалиги тармоқларига киради. Шунинг айтиб ўтиш жоизки ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барчаси иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келади. Туман қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклига кўра, битта ўрмон хўжалиги, 725 тадан ортиқ фермер ва 35560 та деҳқон

хўжаликлари, 337 таси юридик мақомдаги деҳқон хўжаликлари, ўқув тажриба, аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалик секторлари мавжуд. Поп туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра жами экин майдони 28862,3 га бўлгани ҳолда деҳқончилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 606 та, майдони 27905,0 га. Шу жумладан пахтачилик ва ғаллачилик сони 417 та майдони 26490,6 га ўртача ҳар бирига 63,5 га, сабзавотчилик сони 27 та, майдони 50,6 га, ўртача 1,87 га. Боғдорчилик ва узумчилик сони 144 та, майдони 1358 га, шундан 9,11 га. Деҳқончиликнинг бошқа ихтисослашуви сони 13та, майдони 5,8 га ўртача 0,44 га тўғри келади. Туманнинг табиий шароити қишлоқ хўжалик тармоқларини юксалтириш, иссиқсевар экинлар айниқса пахтадан мўл ҳосил олиш имкониятини беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асосини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғи бўйича туман вилоятда етакчи ўрин тутаяди. Унинг майдони 2305,6 га, сони 31 тага тўғри келади. Туманда йирик шохли қорамоллар 1554 бош, шундан 430 бош сигирлар қўй ва эчкилар 4886 бош, паррандалар 9837 бош. Чорвачиликнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича ҳар бир қорамолнинг вазни, йирик шохли қорамол 250 кг ни ташкил этади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинидиган сут 325 кг, ҳар бир товукдан олинган тухум 180 донага тўғри келади.

Туманда 2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра бошқа йўналишлар майдони 9414 га, сони 41 та, жами захира ерлари эса 200 га га тенг.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгач қишлоқ хўжалик ерлари ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига туманлар ҳудудида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалик тармоқлараро мажмуаларини хилма-хил ривожлантиришга эришилмоқда. Биргина Поп тумани ҳудудида қишлоқ хўжаликнинг ҳудудий маҳаллий ихтисослашиш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, кескин бурилишни гувоҳи бўламиз. Собиқ СССРнинг 1980-1990 йилларига назар ташлайдиган бўлсак, статистик маълумотларди

туман қишлоқ хўжалиги ерларининг 50 % дан зиёдини пахтачилик ерлари ташкил қилган. Бошоқли дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева-резаворлар етиштириш оқсоқ ҳолатда бўлган. Пахтачилик қаторида Пунгон қишлоғида фаолият кўрсатган вино-шаробчилик корхонаси негизида қисман узумчилик хўжалиги фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда бу хўжалик каровсиз ерга айланиб қолган. Бу хўжаликка эътиборни ошириш керак ёки узум майдони ўрнига қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоғи йўлида фойдаланиш яхши самара берган бўлар эди. Пахта экишга ноқулай тоғли ҳудудлар Чодак, Чоркесар, Парда Турсун қишлоқларидагина боғдорчилик йўлга қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги даврида Поп тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослашувига 1994 йилда чоп этилган Д.Мавжудовнинг «Поп тумани географияси» китобида туман қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тақсимотини иқтисодий зоналар миқёсида таъриф берилган. Бу маълумотларга таянадиган бўлсак, ХХІ асрнинг дастлабки йилларига биноан сабзавот полиз экинларига ихтисослашган Сирдарёнинг жанубий ҳудудлари Найман, Навбаҳор ҳудудларида бошоқли дон, шолікор минтақа. Сирдарёнинг жанубий соҳилларида техник экинлардан буғдой, жўхори етиштирилади. Пахтачилик, резавор экинларга ихтисослашган ўрта адир минтақасида чорвачиликнинг қўйчилик, пиллачилик тармоқлари муҳим ўрин тутди. Ғарбий тоғли минтақада боғдорчилик, мева-резавор, жанубий тоғ ёнбағирларининг қўйи минтақасида узумчилик, чорвачиликда эчкичилик асосий ўрин тутди. Туман қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантириш туман аҳолисини маҳсулотларга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва четга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда табиий иқлимий, ер мелиоратив шароитларини ҳисобга олиш;
2. Анъанавий деҳқончилик маданиятини тадбиқ қилиш;

3. Фермер ва деҳқон хўжаликларига қарашли ерларни сифат жихатдан қайта ўрганиб чиқиш ва аниқ бонитет кўрсатгичларини белгилаш;
4. Қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ҳудудга ландшафт экологик нуқтаи назардан ёндошиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч-Т .: Маънавият, 2008. - 176 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистан ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
4. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). - Наманган: НамДУ 1995. 148 б.
5. Ахмадалиев Ю. И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида). География фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Т.:2007. 334 б.
6. Иномов Ш. Попим - саховатли юртим - Наманган, 1996.
7. Икромова М. Поп тумани аҳолиси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. 105-106 бетлар. Тошкент, 2010 й.
8. Икромова М. Поп тумани ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари. “Ягона табиий тарихий ҳудудда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-географик жиҳатлари” мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Фарғона, 2010.
9. Табиий-тарихий Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Фар
10. Назаров М. Қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши (Наманган вилояти мисолида). Геогр.фан.номз. илмий даражасини олиш учун дисс.Т.,1996- 163б.

- 11.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси.- Т., 2001.
- 12.Солиев А. «Ўзбекистон қишлоқ жойларининг экологик ва социал-демографик ривожланишининг минтақавий муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишининг ҳисоботи. Тошкент, 2005 й.
- 13.Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: “Университет”, 2003. – 303 б.
- 14.Солиев А, Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий – иқтисодий ривожланиши. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2010.
- 15.Холматжонова Г.Ж. Бозор муносабатлари шароитида минтақа иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида.) Иқтисод фанлари номзоди илмий дарадасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. – 2004 йил.
- 16.Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозори-нинг шаклланиши. – Т.: Фан, 2003.
- 17.Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.
- 18.Қўлдошев Ш. Поп ва Попликлар.-//Поп тонги.2008.- 30 май.
- 19.Қобилов Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатни иқтисодий ва сиёсий таянчи. Т.:Ўқитувчи, 2011 йил.
- 20.Ғуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. - Т.: Фан, 1996. - 251 б.
- 21.Ҳайдарова Д. Қоядаги нур,- Наманган, 2003.
- 22.Интернет сайтлари:
www.gov.uz;
www.izdatgeo.ru;
www.google.uz;
www.geographical.com